

*Севиш-севмоқ саодат эрур,  
илоҳий бахт жўш урар қонда.  
Тулпорингни мингину мағрур  
чоптир, елдир ота маконда!*

*Ватан - меники!*

*Ватан - сеники!*

*Ҳисор тоғда очиб кенг қучоқ  
яша, юксал бамисли хаёл.  
Сангардакда минг кўзли булоқ -  
тўлиб-тошган кечаги ҳилол!*

*Ватан - меники!*

*Ватан - сеники!*

*Қайда, қайдан бу эрка чоғлар,  
зангор тошқин қиру ёбонда?!  
Қизғалдоқлар - гулгун ёноқлар -  
тўрт уфқда - тўртала ёнда!*

*Ватан - меники!*

*Ватан - сеники!*

*Айғиркўл гулмоҳиларининг  
гулларида ўйнайди нурлар.  
Бадайтўқай хонгулларининг  
кўзларида дўсти хонгуллар!*

*Ватан - меники!*

*Ватан - сеники!*

*Тўкис эмас, неки мавжуддир,  
тўкис бахт ҳам йўқдир жаҳонда.  
Фақат Ватан тўкис вужуддир,  
бахт ҳам тўкис ота маконда!*

*Ватан - меники!*

*Ватан - сеники!*

*Чўлу сахро юзи қавариқ,  
мовий тоғлар туслари бужур.  
Ёйлоқ, сойлоқ - дастурхон ёйиқ,  
о, англасанг, бари-бари дур!*

*Ватан - меники!*

*Ватан - сеники!*

*Мени севиб, опичлаб онам,  
севмоқликка ўргатган рўй-рост.  
Севмоқликка яралган одам,  
севилмоққа олам хосу мос!*

*Ватан - меники!*

*Ватан - сеники!*

*Бу Ватан барчамизники!*

# БУ ВАТАН

*Азим СУҲОН*



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт  
ишлари вазирлиги

**Таҳририят:**

бош муҳаррир

**Азим СУҲОН**

бош муҳаррир ўринбосари

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

масъул котиб

Комил ЖОНТОВ

фотомуҳбир

Машраб НУРИНБОВ

сахифачи ва дизайн

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Нигина ҚОДИРОВА

наъбатчи муҳаррир

Шермурод СУБХОН

**Наъбатчилик**

**Кенгаши:**

**Акрамжон АДИЗОВ**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
ҳузуридаги «Ижод» фонди директори

**Сувон НАЖБИДИНОВ**

«Матбуот тарқатувчи» АК  
бош директори

**Абдуваҳоб НУРМАТОВ**

Андижон вилояти ҳокимлиги  
масъул ходими

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ**

Ўзбекистон Маданият ва спорт  
ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари

**Азиз ТЎРАЕВ**

Тошкент Давлат Маданият  
институтининг ректори

**Абдусалом УМАРОВ**

Алшар Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси директори

**Азамат ҲАЙДАРОВ**

«Ўзбекнаво» эстрада  
бирлашмаси бош директори

**Муқовада:**

4-бет: Хонанда Боймат Ҳасанов.

**Ушбу сонга:**

**Матлуба ТЕМУР қизи**

*Ўзбекининг сўзи қизиқ*

**Мансур ОЛТИНОВ**

*Баланд тоғ узоқдан яхши  
кўринади*

**Шермурод СУБХОН**

*Моцарт*

**Рўзимурод ЭСОНОВ**

*Онад йўлиққан одам*

**Олимжон ДАВЛАТОВ**

*Мағаззул кўп қади м бинодир*

**Азим СУҲОН**

*Алқорларнинг чўпони*

**Салим АБДУРАҲМОН**

*Моғ одами*

Бичими 60x84<sup>1/8</sup>, Буюртма № 60. Адади: 4357 нусха. Ҳажми 6 б.т.  
Босмаҳонага 08.08.2011 йилда топширилди. Босишга 10.08.2011 йилда руҳсат этилди.  
Таҳририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел: 233-25-66  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0517 — рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.  
Журнал «HILOL MEDIA» масъулияти чекланган жамият матбаа бўлимида офсет усулида  
офсет қоғозига босилди. Бўлим манзили: Тошкент шаҳри, 21-мавзе, Фарҳод кўчаси, 1 «А»-уй.  
e-mail: AzimSUYUNNUR@mail.ru

# ПАРВОЗ



## ЭТАВЕР, ЮРТИМ!

*...Ё она заминимиз гз гин атрофида шомидрои айлана бошлади, ёинки бу коинотнинг биз англаб етмаган олис нуҷмоиларидаги недиқ эврилишлар росиласи, ишилди, Вайт аталмиш на ибтидоси, на интимоси бор Мутлои Воиелик суръати ошгандай: кгз очиб-юмгунингча кун кетидан кун, рафта кетидан рафта, ой кетидан ой, йил кетидан йил тийилишиб-жипслашиб келаверади-келаверади, баайни тезлиги янада ошган абадий дивателли конвейер. Аммо фурсат ианчалик ошмиш чопмасин, онгу шүрчимизда, тафракқурчимизда, иалдимизда ргй бераётган гзгариллар янада йилдирил кечаётгани мам бор ган.*

Мен кеча йигирма яшар ўғлимга шўро даврининг “уравниловкаси” ҳақида шу қадар кўп тусунтириш бера бошладимки, охир-оқибат ўзим ҳам адашиб кетдим. Ҳолбуки, онгли ҳаётимнинг салмоқли қисми шу тизимда ўтган. Алоҳа, “томчида қуёш акс этади” деган қарорга келдим-у, бир воқеани эсладим.

Саксонинчи йилларнинг охирлари эди. Битта бўлимда олтмишга яқин инженер ишлаймиз. Ма-ошларимиз тенг, вазифаларимиз ҳам. Албатта, агар астойдил ишласа, белгиланган иш ҳажмини кўпи билан ўттизта инженер ҳам эплаб ташлаши мумкин. Аммо бундай қилиш мумкин эмас. Чунки унда қолган муҳандисларнинг тақдири нима кечади? Ахир социализмда ишсизлик бўлиши мумкин эмас, бу ириб-чириб бораётган капитализм-империализмга хос иллат. Табиийки, бу жараёнда

“иш имитацияси” пайдо бўлади, яъни соат саккизда келиб столга ўтирасан, олтигача ўзингни қаттиқ меҳнат қилаётгандай кўрсатасан. Ҳамма тенг. Ҳамма баробар. Худо кўрсатмасин-у, бирон ташаббус-пашаббус кўрсатиб қолгудай бўлсанг, ҳамма сенга “халқ душмани”га қарагандай ўкрайиб қарайди. Цехга янги технологик жараённи киритиш ҳам муаммо: ҳамма иш механизациялашиб кетса, штатларни қисқартиришга тўғри келади, унда бечора ишчилар нима қилишади?

Шундай кунларнинг бирида биз ишлаётган муассаса ёнгинасида қурилиш ишлари бошланиб кетди. Дарвозада катта эълон: “Фалон-пистон мутахассисликдаги ишчилар керак”.

Биз, эрта-индин уйланадиган, тўйга қўшимча уч-тўрт сўм топиш илинжида юрган ёшлар юмушдан кейин бориб учрашгандик, прораб ярим сменага ишга олишга рози эканлигини айтиб қолди. Аммо амалдаги тартиб бўйича биз асосий иш жойимиздаги раҳбарларимиздан ёзма рухсатнома олиб келишимиз керак экан.

Рухсатнома олиш учун прорабдан директорга-ча олтига раҳбарга учрадик. Қаттиққўл бош директор бизга худди эрта-индин ўғирликка боришни режалаштириб турган қонунбузарларга қарагандай ғазаб билан қарагач, биз инженерлар “ненормированный”, яъни меъёрланмаган иш кунда эканмиз, бу дегани иш вақтимиз чегараланмаган экан, иш вақти кечки олтида тугаб қолмас экан, лозим чоғлари саккизгача, ўнгача, ҳаттоки, эрталабгача иш ўрнимизда ўтиришимиз шарт

экан. “Бирдан керак бўлиб қолсаларинг, нима, сизларни қурилишма-қурилиш излаб юраманми?” дея ваҳимали оҳангда сўради бош директор. Ваҳоланки, биздан беш-олти қўйлакни ортиқ йиртган, неча йиллардан бери ийиғи чиқиб кетган курсиларда ўтирган ҳамкасбларимиз ўз иш фаолиятлари давомида ҳали бирон марта “бирдан керак бўлиб қолганлик”ларини эслолмасдилар.

Хуллас, шунча елиб-югурсак ҳам қўшимча ишда ишлаш учун бир парча рухсат қоғозини ололмадик ва кун бўйи жойимизда тек ўтирганча, давлат берадиган арзимаган маошни кутиб яшашга мажбур бўлдик.

Мана шунақа бўларди “уравниловка” деганлари. Тўғри, буни соғлом мантиқ билан тушунтириб бериш мушкул, аммо ҳақиқатдан қочиб қутулиб бўлмайди: шу аҳволда кун кўрганмиз. Кўнгил тубидаги гаплар, норозиликлар, алам ва пичинглар эса қоғозга тўкиларди.

Албатта, фурсат ўтиши билан яқин ўтмиш манзаралари аста-секин хира тортмоқда. Аммо бир мутафаккир айтганидай, хотираларнинг ўзидан кўра улардан олинган сабоқлар муҳим. Сабоқлар нималардан иборат? Инсон – Коинот гултожи, тириклик сарвари. Биз яшаб турган дунёда Инсондан улуғроқ, Инсондан азизроқ хилқатнинг ўзи йўқ. Табиатнинг олий мўъжизаси бўлган Инсонни улкан жонсиз механизмдаги оддий “мурватча” деб билган жамият аслида бутун бани башар неча-неча асрлик тамаддун жараёнида эришган маънавий бойликларга тупурган, боқий қадриятларнинг эса оёғини осмондан келтирган бўлмайдими? Бироқ воқеликда шундай жамият яшади. Оз эмас, етмиш тўрт йил. Бир эмас, бир неча авлод устида ўтказилган шафқатсиз тажриба ўзини оқламади. Шўро даври, эҳтимол, инсоният тарихида энг қонга ботган жамият сифатида қолар, эҳтимол, беҳисоб синган-синдирилган иродалар, майиб бўлган тушунчалар, пуч ғояларга эътиқод қўйган оломон жамияти сифатида ҳам тилга олинажак...

Биз ер юзининг олтидан бирида мавжуд бўлган мана шундай жамиятни кўрган-билган, унинг аччиқ меваларидан тотиб кўрган авлод сифатида Мустақилликнинг қадрига кўпроқ етсак керак деб ўйлайман. Илло, биз Мирзачўлнинг қоқ киндигида, баланд ғўзалар орасида саратон оташидан лоҳас аҳволга тушиб кетмон чопаётган чоғимиз устимиздан самолёт дори сепиб ўтганида “Ёмғир ёққандай бўлди!” деб қувонган; даҳрийлик эътиқоди қон-қонига сингдиришга уринилган; қор тагида, совуқдан дир-дир титраб пахта терган; ярим кило колбаса учун ярим кунлаб навбатда туришга мажбур бўлган; эрта тонгдан шип-шийдам дўконларга чопа-чопа боласига бир литр сут топиб келолмаган авлодмиз...

Баъзида қайнаб-тошиб турган булоқ кўзига улкан тошни бостириб қўядилар. Булоқ замин тубида тўлғанади, озодликка отилиб чиқишга интилади, аммо залворли харсангни ўрнидан сил-

жита олмайди. Фурсат ўтади. Булоқ тобора асовроқ тўлғонади, тобора шиддатлироқ тарзда тошга ташланади. Бари бефойдадек. Ва ниҳоят саодатманд кунларнинг бирида булоқ тошни ағдариб ташлаб, зулмат оғушидан янги куч билан ёруғликка, эркинликка отилиб чиқади. Халқимиз ҳам деярли бир ярим аср тинмай давом этган саъй-ҳаракатлари, қурбонлари эвазига алал-оқибат Истиқлолга эришди. Ахир, оққан дарё оқмай қолмайди. Зеро, биз ўтмиши улуг халқмиз. Зеро, биз ўз тафаккури, ақл машъали, қалб қудрати, тенгсиз ижоди билан инсоният йўлини ёрита олган буюк аждодларга эга халқмиз. Фафур Фулом 1949 йили (шўро даврида!) ёзган “Шараф қўлёмаси” шеърида фахр ила таъкидлаб ўтганидек:

*Бизда логарифманинг  
Мушкул муаммолари  
Қўлдаги бармоқлардай  
Оддий қилинганда ҳал,*

*“Олий ирқ” даъвогари  
Черчилнинг боболари  
Ҳатто санай олмасди  
Ўн бармоқни мукамал...*

Не тонгки, бу ҳақиқатлар фақат бизгагина маълум эмасди, уларни фақат бизгина эътироф этмагандик. Юрт мустақил бўлиб, “темир пардалар” олиб ташлангач, аён бўлдики, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида, ҳали шўро давлати мавжуд бир шароитда Америка Қўшма Штатларининг Чикаго шаҳрида чоп этилган “The World Encyclopedia Dictionary Book” (“Жаҳон қомусий луғати”) китобида халқимизга шундай таъриф берилган: “ЎЗБЕК – жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар орасида биринчи бўлиб ўтроқлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат...” (Балки шу сабабли АҚШ президенти Рейган шўро давлатини “Буюк Навоийнинг ватани” деб атагандир).

Чингиз Айтматовдай улуг адибнинг “Ўзбек халқининг тарихи жуда кўҳна ва бой. Қадим ўзбек маданиятининг Марказий Осиёга кўрсатган таъсири кўҳна Византиянинг қадим Римга кўрсатган таъсири билан қийёслаш мумкин”, деган ҳикматомуз эътирофини ким ҳам билмайди, ахир!

Ватанимиз Истиқлолга эришганига йигирма йил тўлди. Оқсоч тарих учун йигирма йил киприк қоққунчалик фурсат, холос. Аммо бу йиллар ичида эришилган ютуқларни санаб адо қилиш мушкул. Энг муҳими, тараққиётнинг “америкача... туркча... японча... корейсча... хитойча...” моделлари қаторида “ўзбек модели” деган тушунча ҳам пайдо бўлди. Республиканинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли шундай умумжаҳоний тушунчанинг тугилишига, яшаб кетишига замин яратди.

Албатта, 1991 йилнинг 1 сентябри тонгида

хаммамиз бутунлай бошқача одам бўлиб уйғониб қолмадик. Деярли бир ярим асрлик қуллик, мутелик, “катта оға”ларга лаганбардорлик психологияси кўпларнинг қон-қонига, жон-жонига сингиб кетгани ҳам бор гап: улардан осонликча қутулиб бўлмайди (Ахир Мусо пайғамбар руҳан тозаланиши, озодликнинг эса нақадар тотли эканини англаши учун ўз қавмини қирқ йил саҳрода сарсон-саргардон олиб юрган). Бундай шароитда энг мураккаб вазифа – Мустақиллик даври одамнинг шаклланиб бориши деб ўйлайман. Бу жараён тадрижий тарзда, “фалажлатиб даволашлар”сиз, ички низоларсиз ўтгани ҳаммамизга аён. Шундай бўлса-да, эришилган улкан муваффақиятларнинг ҳаммаси кўқдан чалпак шаклида ёғилиб қолмади, албатта. Бунинг устига, очигини айтиш керак, кўплаб йирик мамлакатларнинг сиёсий манфаатлари кесишган нуқтадаги Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистоннинг жадал тараққий этиши, ривожланиши ҳаммага ҳам ёқавермайди. Бундай муносабатлар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам давом этмоқда. Дейлик, бундан уч юз йил бурун Россия императори Пётр I икки дарё оралигида жойлашган Мовароуннаҳрни тўлиқ эгаллаб олиш режасини тузган экан. Режага қўра, энг аввало Амударёнинг йўналиши ўзгартирилиб, Оролга эмас, Каспий денгизига оқизилади. Орол денгизига эса... Сибир дарёларининг суви олиб келинади. Бу режа-ку, парчаланиб кетган, бир-бирига доимий адоватда бўлган Кўқон ва Хива хонлиги, Бухоро амирлиги юзага келган икки дарё оралигида амалга ошмай қолганди. Аммо бугун-чи? Ён қўшнинг сейсмик жиҳатдан ўта хавфли ҳудудда ҳеч иккиланмай улкан ГЭС қурмоқчи, шу мақсадда Амударёни тўсади, яна кимдир истиҳола ҳам қилиб ўтирмасдан Сирдарёнинг йўлини тўсишга уринади, асрлардан бери оқиб турган сув учун пул талаб қилади...

Ўз йўлида собит кетаётган катта карвонга бундай ташланишлар учраб қолиши ҳам эҳтимол табиийдир.

Шубҳасиз, юртимизда юз берган, юз бераётган улкан ўзгаришларни кўрмаслик-билмаслик мумкин эмас. Биргина мисол, мустақилликнинг дастлабки кунларида агар кимдир “Орадан озроқ вақт ўтиб, Ўзбекистонда энгил машиналар ишлаб чиқарила бошланади”, деб қолса борми, бу хаёл-параст башоратчига унча-мунча одамнинг ишонмаслиги аниқ эди. Аммо, мана, бу орзу воқеликка айланди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон дунёни таниди, дунё Ўзбекистонни.

“Ҳар нарса йироқдан кўринар аён”, дейди шоир. Дарҳақиқат шундай. Айниқса, мусофир юртда бўлган чоеларингда ўз Ватанингни мавқеини, камолини, муваффақиятларини чуқурроқ ҳис қиларкансан.

Вашингтон шаҳрида Кеннеди маркази бор. Бу

маҳобатли бинога қадам кўяр экансиз, кўплаб давлатлар байроқлари орасида Ўзбекистон туғи ҳил-пираб турганини кўриб, юрагингиз фахр ва ғурурга тўлади. Худди шундай ҳиссиётни Нью-Йоркда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносиди ҳам туйдик.

Яна бир кузатиш. Бу ортиқча манманлик бўлиб туюлмасин, аммо ўз юртимизда яхшигина таълим тизими мавжудлигига биз айнан Америкада ишонч ҳосил қилдик. Тасаввур қилинг, икки юз йиллик тарихга эга Теннеси университетиди, машҳур Сиэтл университетиди, йилига фалон пул тўланадиган хусусий мактабда бўлганимизда биз талабалар ва ўқувчиларга, энг аввало, Ўзбекистондан келганимизни айтамыз. Талаба-ўқувчилар елка қисишади, нари борса “Афғонистон?... Поккистон?” деб сўрашади. Биттагина талабадан “Раша?” деган саволни эшитдик. Биз “Ҳеч бўлмаса соҳибқирон Амир Темурни эшитган чиқарсизлар?” деб сўраганимизда, бир талаба кўл кўтариб, одоб билан ўрнидан турди ва: “У америкаликми?” деб сўради. Ваҳоланки, бизнинг талабалар у ёқда туришсин, оддий мактабда бепул таълим олаётган оддийгина ўқувчиларимиз ҳам Америка қачон очилганини, Колумб ким, Виспуччи ким – бунинг барини ёддан билишади. Дунёдаги катта-кичик давлатларни, пойтахтларини ҳам ёддан айтиб бера олади. Айнан оврупоча ённки океан ортида расм бўлган эгоизм аста-секин шарқона жамоавийликка таслим бўлаётгани илм мисолида ҳам кўзга ташланмоқда.

Келинг, мисол излаб узоққа бормайлик. Ўтган ой Лондонда нашр этиладиган Evening Standard газетасида чоп этилган мақолага кўра, пойтахт (Лондон!)да истиқомат қиладиган бир миллионга яқин киши чаласавод, яъни оддий маттни жууда қийинчилик билан ўқийди. Бошланғич таълимни олган ҳар тўртинчи бола эса умуман саводсиз.

Дунё капитализмининг бешиги бўлган Буюк Британия пойтахти Лондонда фаолият юритаётган компанияларнинг қирқ фоизга яқин ходимлари ўқишни аранг эплашади. Бу эса четдан кўп сонли билимдон мутахассисларни жалб этишга олиб келаяпти. Катта ёшдаги аҳолининг 5 фоизининг билим даражаси етти ёшли боланикидан ошмайди...

Лондонда таълим олаётган ҳар учта боланинг биттасида умуман биронта ҳам китоб йўқ, аммо 85 фоиз бола ўз шахсий компьютерига эга... Тадқиқотлар жараёни пайти шаҳардаги энг нуфузли мактабда ҳар тўртинчи ўқувчи қийинчилик билан ёзган, ўқиган; ҳар бешинчи бола эса умуман ўқий олмаган...

Ҳа, кўп нарса қиёслашда аён бўлади.

Биз йигирма ёшдамыз. Айни навқирон ёш.

Йигирма йил. Буюк келажакнинг мустақкам пойдевори бунёд этилган йиллар. Биз мана шу жараённинг иштирокчиларимиз.

Биз кўпинча жамиятда юз бераётган ўзгариш-

ларни, ислоҳотларни ўз кўнгил призмамиз, нуқтаи назаримиз орқали баҳолашга уринамиз. Балки шу сабаблидир аксар ҳолларда “Мен Мустақилликка нима қилиб бердим?” деб эмас, “Мустақиллик менга нима берди?” қабилада мушоҳада юритамиз.

Хўш, биз, алоҳида олган ҳолда ҳар биримиз Мустақилликка нима қилиб берамиз. Назаримда, бунинг учун тоғларни кўпориш, юз йиллик дарахтларни ағдариш, саҳроларга сув ҳайдаш шарт эмас. Бизнинг ҳар биримиз ўз иш ўрнимизда, ўқиш жойимизда, оиламизда, эл-юрт орасида зиммамиздаги вазифаларимизни, бурчларимизни, мажбуриятларимизни ҳалол, сидқидилдан, виждонан адо этишимизнинг ўзи кифоя.

Ёдингизда бордир, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида бу борада жуда аниқ фикр билдириб ўтилган: “Ҳар куни, ҳар соатда фидоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу”.

Шундай фазилат бизнинг ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг доимий ҳамроҳимиз бўлсин!

Мен йигирма ёшдаги мустақил Ўзбекистоннинг парвози янада юксак бўлишини тилаган ҳолда, юртимни ўзимнинг камтарин битикларим билан қутлайман:

*...Тушовланган ҳеч жонзот учолмас йироқларга,  
“Эркинлик” бирлан “парвоз” муқобилдир эҳтимол,  
Алвидолар айтамиз руҳдаги тузоқларга,  
Қақнус мисол хокидан бунёд бўлди Истиқлол.*

*Шуур коинотида сарҳадлар йўқдир бешак,  
Чексизликлар ортини қоплай олур бир хаёл.  
Милён-милён тилсимлар бағрин очади, демак,  
Тафаккур ғулусига эгов урди Истиқлол.*

*Ҳар неки бунёд магар — пойдевори шул замин,  
Боболар меросининг зарраси ҳам этар лол.  
Шунчалар буюкмидинг, Туроним, жон Ватаним!  
Улуғ қадриятларни тиклаётир Истиқлол.*

*Вақт нисбий эрур, аён, асрлик аросатдан  
Йигирма йил эркинлик қимматлироқ бетимсол.  
Нечун алёр айтмайин эртанги шафоатдан,  
Иштибоҳсиз қатъият ато этди Истиқлол.*

*Оламни англамаклик — ўзни англамак, илло,  
Синоатлар уммони асло топмагай завол.  
Юртим, юксаклик сари учавергин доймо,  
Бир қанотинг тафаккур, бир қанотинг  
Истиқлол!*

**Абдуқайюм ЙЎЛДОШЕВ**

# ФАХРИЯ

**Инсон зоти борки, Аллоҳ томонидан берилган олий неъмат - ихтиёрини ўзида сақлагиси келади. Эркин одамнинг қўли ишга завқ билан боради, завқланиб яшайди. Бундай меҳнатнинг эса натижаси ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Тақдир тақозоси билан бизга жаҳон халқлари орзу қиладиган, бир зиёратига бутун умр тайёргарликлар кўриб юрадиган бир гўзал гўшада - Самарқандда яшаш насиб этди. Аммо бу бахтни ҳар кун ҳам ҳис қилавермайсан, киши.**

Биз курсдошлар ниҳоятда иноқ эдик, кўпчилигимиз бугун ҳам телефонлашиб турамиз. Яқинда Сурхондарёдан Фароғат телефон қилди: “Телевизорда кўрдим, Самарқанд ғоят гўзаллашиб кетибди. Бир зиёратга бормоқчимиз”.

Келдилар, уларга тунги Самарқандни кўрсатдик. “Қаранг, — дейди сурхондарёлик курсдошларимиз ҳаяжонини яширолмай, Клавихо ёзганидай бўлибди-я: “Самарқандда кеча билан кундузни фарқлаб бўлмайди, ҳамма жой ёп-ёруғ, кўчалар ёғ тушса ялагудай!” Мана бу жойни қаранг, шундай гўзал боғ пайдо бўлибди. Мен шу ерда уч йил ижарада турган эдим, ароқ заводи бўлармиди, кечга яқин бир қўланса ҳид келар эди, кишининг кўнглини оздирарди. Сизлар бахтлисизлар — дейди ёш боладай ҳаяжонини яширолмай, — шу шаҳарда яшайсизлар-а, Мен ҳам қолиб кетсам бўлар экан!”

Атрофга разм соламан, дарҳақиқат, умримнинг салкам ўттиз йили кечган Са-

марқанд кўзимга бошқача кўриниб кетади. Мана шу хиёбонда ўн етти ёшимда дўстларим билан дафтар-китоб кўтариб куйиб - пишиб юрардик. Йиллар ҳайратимизни ўтмаслаштирганига иқроор бўламан.

Бўлмаса, "Шерлар майдони" деб ном олган, салкам тўрт гектарлик ям-яшил мана шу майдонда пастқам бир неча дўкон, бир кўримсиз ошхонага ўхшаган жой, олдида пистафурушлар изғиб юрадиган бир кинотеатр, негандир, биноси чаппа қурилгандай таассурот қолдирадиган бир музей, доим шовқин-сурон бўлиб турадиган автобус бекати ва яна қандайдир туялар карвони бетартиб сочилиб ётганини ўзимиз талабаларга хос топқирлик билан неча бор аския қилган, шу ерда Самар-қанднинг юрагига мос бир истироҳатгоҳ бўлишини орзу қилганларимиз аллақачон тарихга айланибди.

Самарқанд кўз ўнгимизда гўзал келинчақдай ороланибди, зеболанибди. Сугдиёнадаги истироҳат боғи, "Ёшлик" парки, Марказий парк, ароқ заводи ўрнидаги уч гектарлик сўлим боғ... буларнинг бари мустақиллик йилларида барпо этилди ёки зийнатланди, тубдан ўзгарди.

Мустақилликнинг илк йилларида энди чет элдан меҳмонлар кела бошлаганларида улар билан ҳамроҳлик қилган дўстларимдан бири меҳмонлар дидига мос келадиган меҳмонхона топа олмаганидан шикоятланганини эслайман. Бугунги меҳмонхоналаримиздаги шароитлар ҳар қандай хорижликнинг оғзини очиб қўйиши ҳам сир эмас. Мен Мирзо Улуғбек номи билан аталган кўчанинг то темир йўл бекатигача ҳар икки томонида тротуарлар, ариқлар, манзарали дарахтлар ва янги-янги бинолар билан безатилиб деярли янгидан барпо қилинганини курсдошларимга ғурур билан, бироз мақтанчоқлик билан айтиб бераман

ва сутдай ёруғ кўчалардан машина фараларини ўчириб ҳайдарканман, менинг бу шўхлигимни улар сезмаётганларини кўриб ҳайратимга ҳайрат қўшилади.

Дил изҳорим, ҳайратим, орзуларимни шеърга тушириб, курсдошларимга ўқиб бераман:

***Жамолинга жило берди Истиқлол,  
Бухорий, Шоҳи Зинда, Ҳазрат Дониёл  
Жойлари қайтадан очдилар жамол,  
Пирлари мангуга бедор Самарқанд,  
Эллари энг буюк меъмор Самарқанд!***

***Қайтадан қурилди бутун бир шаҳар,  
Кўкўпар бинолар, равон кўчалар,  
Танимайсан уч кун кўрмасанг агар,  
Кундан-кун зеб очар, зебо Самарқанд,  
Кўркидан ой қилар, ибо Самарқанд!***

***Регистон - юртимнинг гавҳар донаси,  
Икки йилда бир бор "Шарқ таронаси"  
Янграйди, ахир, сен шарқнинг онаси,  
Ўзбекнинг бошида тожсан, Самарқанд!  
Кўҳнасан, ҳамиша ёшсан, Самарқанд!***

Курсдошларимга шеър маъқул бўлади. Кейин биз улар билан хайрлашамиз. Хайрлашаётиб Фароғат: "Шу юрганларимизни, кўрганларимизни ёзинг, мен матбуотни кузатиб бораман. Мен ҳам қачондир беш йил самарқандлик бўлганим билан фахрланаман! Болаларимга мақолангизни ўқиб берар эдим", - дейди. Мен ваъда бераман. Мана ўша ваъдамни бугун бажардим. Самарқанд билан ҳар бир ўзбек фахрланса, арзийди. Айниқса, бугунги мустақил Самарқанд билан.

***Ориф ҲОЖИ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Самарқанд вилоят бўлими  
масъул котиби***



*Тошкент вилоятининг Паркент тумани. Бу ердан Бойчиборини елдириб Алпомиш ўтди, Гўрўғли ўтди, Ошиқ Фариб ўтди, Авазхон ўтди. Ўтаверишди, ўтаверишди... Дўмбиралар овози тунни тонгга улади. Бахшиларнинг хониши сўзни сўзга боғлади... Тинглаганлар офтобнинг тафтиданми, дostonларнинг салмоғиданми сел бўлишди. Атрофдан одамлар йиғилиб кела берди, кела берди. Мен борайин дейдиган одам бўлмади.*

# КУЙЛА, СОЗИМ, ОЙНА, ДУМБИРАМ!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси ҳамда Паркент тумани ҳокимлиги ҳомийлигида ўтказилган ўзбек халқ дostonлари кўрик-танлови чин маънода унутилмас воқеага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда тасдиқланган "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан

фойдаланиш Давлат дастури"га асосан ташкил этилган бу тадбир Республикамиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланди.

Вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикаси ва пойтахтда голиб бўлган бахшилар, оқинлар, халфаларни тўплаган Қўшчинор сайилгоҳи тонгда карнай-сурнай наволари билан иштирокчилар, ташкилотчилар ва меҳмонларни кутиб олган бўлса, тунга қадар дўмбира, ноғора, гармон каби бир қанча чолғулар жўрлигида дostonларнинг хонишини узоқ-узоқларга таратиб турди.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган бу фестивалнинг жорий йилдагиси ўзгача - байрамона тус олди. Олдинда йигирма йиллик тўй







бўлса... бахшилар тўйни тўйдаи ўтказишди. Голиблар Республика миқёсидаги оммавий тадбирларда иштирок этиш имтиёзини кўлга киритди ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғаларига эга бўлишди. Аслида ҳамма голиб бўлди. Ахир, байрамда мағлуб бўлмайди. Ҳар бир бахши-шоир ўз тингловчисини топди.

Айниқса, бу йил аёл бахшиларнинг иштироки кўрик-танловга ўзгача руҳ бағишлади. Сурхондарёлик Зулхумор бахши халқ достонлари билан бирга ўзининг она заминни мадҳ этувчи термаларини ижро этиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлган бўлса, қорақалпоғистонлик Жонисбек Пиязовнинг улугвор овози кўтаринкилик бахш этса, Улзода Хўжаниёзова ўз мунгли овози билан йиғилганларни Орол бўйининг ўзгача хонишларига ошно этди.

Айниқса, шўрчилик Бахтиёр бахши Ортиқов, олтинсойлик Шерали бахши Жумаев, ўртачирчиқлик Алихон бахши Ариповлар халқ терма ва достонларини шундай куйладики, томошабинлар достонни тинглаб эмас, кўриб ўтиргандай таъсирланишди. Бу ҳам бўлса, бахшининг маҳорати. Маҳорат эса йиллаб қилинган меҳнатлар эвазига юзага чиқади.

Навбатдаги фестивални ўтказишга Паркент тумани танлангани ҳам бежиз эмас. Ёзги оромгоҳларда дам олаётган болалар халқ достонларини тинглаб ҳайратга тушишди. Уларнинг энди шаклланаётган шуурларида қадим анъаналаримизнинг, достонларимизнинг ўз ўрни бўлиши, кейинги гал достон тинглаганида зерикмаслиги тайин. Балки ёшлар ичидан янги-янги оқинлар, бахшилар ўз истеъдодлари билан намоён бўлар. Асрий меросларимиз ўз давомийлигини қарор топдирар. Аслида мақсад ҳам шу...

**МАНЗУРА**



# МАЪНАВИЯТ – КОМИЛЛИК ҚОЗГУСИ

Умрини тинчлик-тотувликда ўтказиш, ўзидан яхши амаллар қолдириш — инсониятнинг азалий орзуси. Ҳаёт давом этади, замонлар ўзгаради, бир давр ўрнини иккинчиси эгаллайди, аммо инсонларга хос бу орзу асло ўзгармайди, аксинча, ҳар бир авлод бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхши яшашни, фарзандларимизни бекаму қўст тарбиялаб камолга етказишни ўйлаймиз. Турмуш тарзимиз фаровонлашгани сари янги-янги орзулар-умидлар пайдо бўлади. Демократик ривожланиш йўлини тутган мамлакатларда бундай истакларни рўёбга чиқариш мамлакат миқёсида қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг, халқ, миллат манфаатлари йўлида ўтказилаётган ислохотларнинг бош йўналишини белгилайди. Мамлакат тараққиёти, иқтисодий ривожланиш суръати жамият аъзоларининг аҳил-иноқлиги, ягона мақсад йўлидаги интилишлари, ташаббускорлиги, масъулияти ва ишбилармонлигига боғлиқ бўлиб қолади. Бу боғлиқлик ялпи ривожланишнинг ўзак асоси — масъулият ва дахлдорлик туйғусини пайдо қилади. Бу туйғу фуқаролик бурчи, юксак маънавият, ҳуқуқий онг ва маданият каби тушунчаларга бориб боғланади.

Давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти жамиятнинг ривожланиши, ўтказилаётган ислохотларнинг самарасига бевосита боғлиқлигига алоҳида эътибор берилган. “Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир, — дейилади мазкур ҳужжатда. — Шу муносабат билан бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли, кенг кўламли чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур”.

Дунёда юз бераётган турфа хил жараёнлар, ҳаётнинг фавқуллодда шиддати, турли минтақаларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доир ахборот оқимининг фавқуллодда тезлашуви дунёқарашимизда, турмуш тарзимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Оптимиздан замонавий билимларни пухта эгаллаётган, келажагига ишончи мустаҳкам, интилувчан, орзу-ниятлари янада қанотли янги авлод келаётир. Кеча ҳар жиҳатдан мукамал ҳисобланган ечимларга ҳаётнинг ўзи бугун жиддий

таҳрир киритмоқда. Бинобарин, тараққиётнинг бундай ривожига, янгилаётган дунёнинг янги талабларига мослашиш, яъни ҳаётда ҳар бир кишининг ўз ўрнини топиши, ўз сўзини айтиши ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этаётир.

Ватан ҳаммамиз учун улуг ва муқаддас бешик. Неча асрлар давомида аждоқларимиз Ватан озодлиги, унинг гуллаб-яшнашини орзу қилиб келганлар. Бу орзу-умид йўлида жон фидо қилганлар. Ватан туйғуси, миллатнинг шаън-шавкати, миллий гурур ва ифтихор, маданият ва маънавият, одоб ва ахлоқ, шу каби бошқа кўплаб эзгу фазилатлар улуг аждоқлардан бизга мерос бўлиб қолган. Боболаримиз, гарчи жон фидо этиб ҳам озодликка эриша олмаган бўлсалар-да, халқни халқ, миллатни миллат, одамни одам мақомида тутиб турувчи қадрият ва анъаналаримизни, дину диёнатимизни, бетакрор маънавиятимизни кўз қорачигидек асраб келдилар. Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу неъматларга қайта жон бағишлаш, уларни янада бойитиш, келгуси авлодларга бус-бутун етказишни олдимизга алоҳида вазифа қилиб қўйди. Халқни буюк келажак йўлидаги улуг мақсад йўлида бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили, диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, ёш авлодни аждоқларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол гоёсининг бош мақсади деб белгиланди.

Истиқлол миллатнинг тақдири, бугуни ва эртаси, жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун, энг аввало, ҳуқуқ ва имкониятдир. Бу икки тушунча “бурч” англами билан қўшилиб, яхлит маънога, яъни ҳуқуқий маданиятга айланади. Баркамол, комил инсонлар тарбиясида бу маданият алоҳида аҳамият касб этади.

Олимлар маданият тушунчасини “инсоннинг ўз ўзини онгли равишда чеклаши натижаси”, дея изоҳлашади. Бунда гап одамларнинг маълум ҳуқуқ ёки эркинликлари устида бораётгани йўқ, албатта. Маданиятли, зиёли одам ўз хатти-ҳаракатларини ҳар қандай ҳолатда ҳам тарбияси ва ички дунёсидан келиб чиқ-



қан ҳолда бошқара олади, ўз мавқеига, одоб-ахлоқи-га, инсоний шаънига номуносиб хатти-ҳаракатлардан ихтиёрий равишда тийилади, яъни кимдир унга “Сиз бу ишни қилмаганингиз маъқул” ёки “Бу ишингиз сизга ярашмайди”, дея танбеҳ бермаса ҳам, ўзи онгли равишда, ўз маънавиятидан келиб чиқиб қарор қабул қилади. Интизомсиз ҳайдовчи фақат йўл назорати хизмати ходимларини кўргандагина қоидага риоя қилади, интизомлиси эса ҳатто бирор жойга шоши-лаётганида ҳам тезликни белгиланган даражадан оширмайди.

Бу — ҳуқуқий маданиятни тушунишнинг ўта содда мисоли. Конституциямизга биноан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўқишга, ишлашга, дам олишга, мулк эгаси бўлишга, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Бироқ жамиятнинг “Менда шунча ҳуқуқ бор” дейдиган ҳар бир аъзоси, ўз навбатида, бошқалар ҳам айни шундай ҳуқуқларга эга, бинобарин, улар ҳам бу ҳуқуқлардан мен каби фойдаланишлари лозим, деган фикрдан асло йироқлашмаслиги керак. Яъни талаб ҳамиша эҳтиёжга, ҳуқуқий маданиятга мос келиши зарур. Ички “мен” туйғуси меъёрдан ошиб кетса, ҳар ким ўзининг шахсий манфаатларини бошқалар манфаатидан устун қўйса, бу ҳолат, қайси соҳада бўлмасин, худбинлик ва ўзимбўлайчиликка олиб келади.

Давлатимиз раҳбари таклиф этган Концепцияда Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, жумладан, Маҳкама ваколати доирасини анча кенгайтириш кўзда тутилган. Бинобарин, мамлакат Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловда энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган ёки тенг миқдордаги депутатлар ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади. Бу янги қоида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар учун ўта масъулиятли, таъбир жоиз бўлса, мамлакат, миллат тақдири билан бевосита боғлиқ ҳуқуқдир. Конституциямизга киритилган ўзгаришлар, биринчи навбатда, мамлақати-

мизда жамият ҳаётини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари изчил, босқичма-босқич давом этаётгани, сиёсий ҳаётимизда кўппартиявийлик тизими йилдан йилга, сайловдан сайловга такомиллашиб бораётганини кўрсатади, шу билан бирга, бу ўзгаришлар жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган республикамизда давлат ҳокимияти субъектлари — давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўрта-сидаги ваколатларни мутаносиб равишда тақсимлаш пайти келганини кўрсатади.

Аммо гап фақат ваколатда эмас. Концепцияда Президент Ислам Каримов илгари сурган гояларнинг бош мақсади ҳаётимизни де-

мократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги ислохотлар самарасини янада ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига эришиш, уларда юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни, мамлакат эртаси, келажаги учун шахсий масъулият ҳиссини кучайтириш ва тарбиялашдан иборат. Ҳар бир киши ўзи масъул бўлган соҳада, танлаган касбида, илмий, ижодий, тadbиркорлик, яратувчилик фаолиятида ва ҳатто, оилада ҳам, миллат тақдирига, мамлакат келажагига дахлдорлик туйғусини ҳис этиши, атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги керак. Ҳар бир кишининг кичик муваффақиятидан, кичик қуюнчақлиги ва фидойилигидан эртага умуммиллий муваффақият келиб чиқади. Бунда сиёсий партияларнинг ўз электорати билан мулоқоти, аҳоли турли қатламлари орасида олиб бораётган ҳуқуқий маданият ва маърифатга доир тарғибот-ташвиқот ишлари, бу ишларнинг амалий натижа ва самараси, ижодкор зиёлиларнинг замонамизнинг бугунги ёш қаҳрамонлари тўғрисидаги янги асарлари, оммавий ахборот воситалари фаолияти, таниқли маданият ва санъат арбобларининг даъваткор сўзлари, журналистларнинг холис ва қуюнчақлиги, матбуот сўзининг самараси ва таъсирчанлиги катта аҳамият касб этади.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эришишнинг зарурлиги жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичидан ҳам келиб чиқади. Мустақил Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи кундан-кунга, йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган дастурларни Халқаро болалап жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси расман эътироф этди. Мамлакатимиз ҳозирга қадар инсон ҳуқуқлари-га доир 70 дан ортиқ муҳим шартнома ва келишувларга, БМТнинг йирик декларация, пакт ва конвенцияларига расман қўшилди. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий, парламентлара-ро, илмий, маданий-маърифий алоқалар, тadbиркор

ва ишбилармонларнинг манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора кучайиб бормоқда. Демакки, жамият аъзоларида ҳуқуқий маданият ва маърифатнинг юксак даражада бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

Ҳар йили, ҳаётимиздаги энг улуғ, энг азиз байрамни нишонлашга тайёргарлик кўрар эканмиз, мустақиллик даврининг тарихга айланиб бораётган яна бир йилида ҳаётимизда, халқимизнинг турмуш тарзида, айниқса, ёшлар ҳаёти ва дунёқарашда юз бераётган ўзгаришлар, шижоатли меҳнат, ўқиш ва изланиш туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар маржони кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, эркин, демократик жамият қуриш йўлига кирганидан бери орадани йигирма йил вақт ўтди. Минг тўққиз юз тўқсон биринчи йил адоғида туғилган фарзандлар бугун вояга етиб, ёнимизга кирди. Бундай қараганда, бу — жуда кўп фурсат эмас. Халқ тили билан айтганда, бир йигит ёши. Аммо шу қисқа давр ичида халқимиз ақл-идрок, сабр-бардош билан жуда оғир синовларни, собиқ тузум иқтисодиёти ва мафқурасидан қолган асоратларни енгиб ўтди. Қизил салтанатдан қолган мажруҳ иқтисодиёт қайта жонланди. Жамият энди-энди оёққа тураётган, унинг ижтимоий муносабатлари аста-секин қарор топаётган бир пайтда, бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий масалалар билан шуғулланишга, истиқлолимизга нисбатан бўлаётган ошкора-пинҳона ички-ташқи хуружларга жавоб қайтаришга тўғри келди.

Бугун, истиқлолимизнинг йигирманчи бекатида туриб, инсоният тарихига яна бир бор назар ташласак, бу тарих ўзининг фавқуллода муҳим сабоқларига эга эканига амин бўламиз. Дунёда шундай мамлакатлар борки, табиий бойликлари ҳисобига турмуш қийинчиликлари нима эканини тасаввур ҳам қилишмайди. Аммо чинакам роҳат-фароғатга, руҳий-ахлоқий комилликка, ҳар жиҳатдан адолатли жамият қуришга фақатгина шунинг ўзи билан эришиб бўлмайди. Ҳаётда инсон қалби, маънавий олами, имон-эътиқоди, инсоф-диёнати деган тушунчалар,



қадриятлар ҳам борки, улар олдида беҳисоб куч-қудрат, бойлик ҳам ожизлик қилиши мумкин. Юртбошимизнинг “Юксак маънавият - энгилмас куч” асарини ўқир экансиз, кўнгилдан шу мулоҳазалар ўтади. “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади,- деб таъкидлайди муаллиф. -Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”.

Собиқ тузум шароитида инсон маънавияти, руҳий олами, миллий-ахлоқий қадриятлар тўғрисида ҳатто мулоҳаза юритиш ҳам мумкин бўлмади. Давлатимиз раҳбари маънавиятнинг маъно-моҳиятини узоқ йиллик ҳаётини қузатишлар, бугунги дунёвий жараёнларнинг инсон руҳий оламига таъсири мисолида аниқ-равшан таърифлаб берди: “Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир. Менинг назаримда, “маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафқуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади”.

Давлатимиз раҳбари маънавият миллий ўзликни англашда муҳим ва ҳал қилувчи куч эканлигини уқтирар экан, ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда беқиёс аҳамият касб этишини эътироф этади. Демакки, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракат ёки таҳдид, энг аввало, у ёки бу мамлакатнинг хавфсизлиги ва яхлитлигига, шу заминда яшаётган турли миллат ва элатларнинг аҳил-иноқлигига раҳна солувчи, тўғри йўлдан адаштирувчи ҳаракат, таҳдид эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Маънавий жиҳатдан қуролсизлантирилган ва бунинг оқибатида, маънавий олами заифлашган халқ эса, энг оддий хавф-хатар олдида ҳам кучсиз бўлиб қолади. Ҳаётда, турмуш тарзида бирор бир муаммога дуч келиб қолса, тўғри ечимни топа олмайди. Бундан англашиладиган хулоса шуки, дунёдаги ривожланган йирик давлатлар ҳам бу сершовқин дунёнинг катта-кичик чорраҳаларида ўз манфаатларини қидириб, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга шу манфаат нуқтаи назаридан баҳо бераркан, табиий бойликлар, арзон

хомашё ва ишчи кучлари нисбатан кўп ҳудудларни ўз таъсирига олиш ҳаракатлари ҳамон мавжуд экан, демак, янада хушёр ва огоҳ бўлишга тўғри келади. Негаки, иқтисодий, ҳарбий тазйиқни сезиш осон, аммо мафкуравий тазйиқ билинмас ва сезилмас бир офат сифатида миллат ҳаётига, турмуш тарзи ва онг-шуурига аста-секин кириб келади, чирмовуқ янглиг илдиз отади. Иқтисодий тангликни, таъминотдаги узилишларни ва, ҳатто, табиий офатларни ҳамжиҳатлик, оқилона чора-тадбирлар билан енгиш мумкин, аммо маънавий тангликни енгиш, бартараф этиш осон кечмайди. Бунинг сабаби, нияти холисликдан йироқ кучлар бугунги глобаллашув замонида ўзга бир халқ, ўзга миллат маънавиятига хуруж бошлар экан, бир қарашда беозор кўринадиган мафтункор, жозибали воситалардан, жумладан, интернет тизимидан, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланади. Бунда асосий куч ҳали суяги қотмаган, ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган ёш авлод онги ва қалбига таъсир ўтказиш, уларни тўғри йўллардан оғдиришга қаратилади. Бу хуружнинг яна бир мақсади - ўзга бир халқ, ўзга бир миллат ҳаётига ўз қадриятларини сингдиришга уринишдир. Бундай кучлар шахсий манфаат дея бошқа миллат ва элатларнинг ҳам ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзига хос ва мос йўл танлаш, ўзига мақбул тарзда умргузаронлик қилиш ҳуқуқи борлигини унутиб қўядилар.

Истиқлол йилларида бундай хуружларга кўп бор дуч келдик ва, сир эмаски, бундай уринишлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Ачинарлиси шундаки, бепарволик, атрофимизда, узоқ-яқин ҳудудларда кечаётган воқеа-ҳодисалар, мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар моҳиятини чуқур англамаслик натижасида халқнинг миллий илдизларини заифлаштиришга қаратилган уринишларнинг ҳаттоки иштирокчиси бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Ўйлаб-нетмай бировнинг ногорасига ўйнаб кетамиз, одоб-ахлоқимизга, маънавиятимизга, миллий менталитетимизга ёт нарсаларни вақтида фарқламаймиз. Ўзимизнинг минг йилликлар синовидан ўтган қадриятларимиз қолиб, бошқаларнинг қадриятларига чапак чаламиз. Халқ бекорга “Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?”, деб айтмаган. Интернет, телевидение, айрим кино маҳсулотлари орқали шууримизга сингдирилаётган “янгица” замонавий қадриятлар замирида нима борлигини, бу нарсалар нега энди айнан бизга ҳавола этилаётганлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бугун биз эътибор бермаётган бундай “майда-чуйда” нарсалар, чунончи, гайриахлоқий реклама роликлари, болаларга мўлжалланган жангари ўйинчоқлар, мультфильмлар, “оммавий маданият” маҳсулотлари замиридаги яширин ният эртага ёшлар онгини бедаво дардга дучор қилиши мумкинлигидан хавотирга тушмаймиз.

Давлатимиз раҳбари бизни, бутун халқимизни,



айниқса, келажагимиз, эртанги кунимиз бўлган фарзандларимизни мана шу хавфдан огоҳ қилмоқда: “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоъвий, инфор-мацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман... Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади”.

Маънавиятни тушуниш ва англаш учун, аввало, инсонни тушуниш ва англаш зарур. Демак, маънавият инсоннинг руҳий олами, комиллик сари интилиши, одоб-ахлоқи, ўзи мансуб бўлган халқ тарихи, урф-одатлари ва қадриятларига муносабатини кўрсатувчи ўзига хос кўзгудир. Маънавиятнинг енгилмас куч эканлиги ҳам мана шунда. Зеро, руҳий олами пок, ўзини, ўзлигини англаган, келажакка ишончи мустаҳкам, имон-эътиқоди бутун кишига ҳеч қандай ташқи куч таъсир ўтказа олмайди.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**  
Ўзбекистон Миллий университети  
Журналистика факультети катта  
ўқитувчиси

# ЎЗБЕКНИНГ СОЗИ ЈУЗИ



«Ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўздан сўзи қизиқ», деган ибора бор. Кузатишлар бўйича, гап-гаштакларда, тўй-тўйчиқларда, байрам ва сайилларда ёки икки одам гурунглашган жойда дарров пайров, сўз ўйини, аскиябозлик бошланади. Бу халқимиз қонига, томир-томирига сингиган одат. Балки бошқа миллатларнинг ҳам сўзамоллик, кулгига мойиллик жиҳатлари бордир. Бироқ аскиябозлик, пайровлар бошқа ҳеч бир миллатда йўқ. Чунки табиатимизнинг ўзи шундай. Халқимиз завқи баланд ва эҳтиросли халқ.

Маълумки, аскиячилик ва қизиқчилик санъати Фаргона, Марғилон, Қўқон шаҳарларида авж олган. Шунинг учун бўлса керак, водий воҳасини аскиячи ва қизиқчиларнинг макони дейишади. Ҳақиқатан ҳам, маълум ва машҳур санъаткорларнинг кўпчилиги водийдан етишиб чиққанлар. Қўқонлик машҳур аскиячилар Ижроқўмбува Аминов, Ғойиб Ота Тошматов, Пўлат қизиқ, Насриддин қизиқ, Расулқори, Йўлдошхон Носиров, Муҳиддин Дарвешовлар номини айнан аския санъати машҳур қилган. Ёки марғилонлик машҳур Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар аския санъатининг дарғалари бўлишгани ҳам барчамизга маълум. Бугунги кунда устозлар қолдирган мактабнинг давомчилари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамасиддиқ Ширяев, Хотамжон Тешабоев, Хотамжон Ҳакимжоновлар муносиб шоғирд сифатида аския санъати ривожига ҳисса қўшиб келишмоқда. Эътиборлиси шундаки, 1986 йилда Қўқон шаҳрида таниқли аскиячи Йўлдошхон Носиров бошчилигида ёш аскиячилар гуруҳи ташкил этилди ва бу гуруҳга Жўрахон Пўлатов, Неъматжон Тошматов, Ақромжон Анваров сингари устоз аскиячилар сабоқ бериб келишпти. Кейинчалик, бу санъат Андижон ва Тошкент шаҳарларида ҳам ривож топди.

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори адабиёт ва санъатга ҳам катта эътибор қаратилди. Санъатнинг барча турларида ижод қилиш учун кенг имкониятлар яратилди. Турли хил фестиваллар, кўрик-танловларнинг ўтказиб келинаётгани фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, Фаргона вилояти Марғилон шаҳрининг Маъмуржон Узоқов номидаги маданият ва

истироҳат боғида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Аскиячи ва қизиқчиларнинг Республика кўрик-танлови” йилдан-йилга оммалашиб, ёш аскиячи ва қизиқчиларни кашф этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти маданий-маърифий методик ҳамда ахборот маркази, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси, Республика “Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши, Ўзбекистон “Маҳалла” жамғармаси, Фарғона вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Марғилон шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган бу йилги “Аскиячи ва қизиқчиларнинг Республика кўрик-танлови”да юздан зиёд иштирокчи қатнашганининг ўзиёқ, бу санъат турига иштиёқмандлар тобора кўпайиб бораётганини далиллайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури” ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган кўрик-танлов бу йил ҳам янги-янги номлар туғилишига замин яратди. Танлов жараёнини кузатар эканмиз, баъзи бир эътиборга молик жиҳатлар хусусида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Биринчидан, юқорида айтиб ўтганимиздек, аскиячилик ва қизиқчилик санъатининг макони водий саналади. Эътиборли томони шундаки, бу танловда Бухоро, Хоразм ва Сирдарё вилоятларидан ҳам янги номлар, аскиячиларнинг етишиб чиқаётгани бу санъатнинг бошқа вилоятларда ҳам илдиз отаётгани, аския санъати жуғрофиясининг янада кенг қулоч ёяётганидан далолат беради. Буни ҳам янгилик, ҳам қувонарли ҳолат десак, муболаға қилган бўлмаймиз.

Иккинчидан, аскиячилик ва қизиқчилик санъатига ёш истеъдодларнинг кириб келиши, айниқса, Қўқон, Марғилон аскиячилик мактабига ёшларнинг қизиқишлари тобора кучайиб бораётгани эътирофга моликдир.

Хоразмлик қизиқчилар Баҳром Саидмахмудов ва Қобулбек Қўшназаровларнинг ижро маҳоратига ҳатто марғилонлик аскиячилар ҳам тан беришди. Сирдарё

вилояти Гулистон шаҳридан “Хуш-чақчақ” гуруҳи аъзолари Қондир Рустамов, Мурад Жуманов, Хусан Мусурмонкуловларнинг ижоди ҳам эътиборга лойиқ бўлди. Бухоролик муқаллид Шухрат Қодиров бир қанча мусиқий чолгуларнинг товушини худди ўзидек ўхшатиб, моҳирона ижроси билан кўпчиликнинг олқишини қозонди. Икки кун давом этган танловда бир хиллик деярли кўзга ташланмади. Барча иштирокчиларнинг ижро маҳоратлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби, режиссёр Носир Отабоев, Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудир, филология фанлари доктори Маматқул Жўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, аскиячи Жўраҳон Пўлатов, Тошкент Ислоҳ Университети қошидаги махсус лицей ўқитувчиси, аскиячи Убайдулла Абдуллаев сингари мутахассислар баҳоладилар. Натига шуни кўрсатдики, бу



кўрик-танловда иштирокчиларнинг тайёрлаб келган дастурлари мазмуни, моҳияти, ижро маҳорати, саҳна либослари, саҳнада ўзини тутиш каби масалалар барча-барчаси назардан четда қолмади. Аския жанри бўйича биринчи ўринга Андижон вилояти Қорасув шаҳар аскиячилар гуруҳи лойиқ деб топилди. Иккинчи ўрин эса Фарғона вилояти Қўқон шаҳар аскиячилари ҳамда Наманган вилояти Норин тумани аскиячиларига насиб этди. Учинчи ўринга Сирдарё вилояти Боёвут тумани аскиячилари муносиб топилдилар.

Қизиқчилик жанри бўйича биринчи ўрин навоийлик қизиқчи Шухрат Саидов ҳамда хоразмлик қизиқчилар Баҳром Саидмахмудов ва Қобулбек Қўшназаровларга берилди. Иккинчи ўринга эса Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидан қизиқчи Омон Эгамбердиев ва бухоролик муқаллид Шухрат Қодировлар сазовор бўлдилар. Учинчи ўрин Тошкент шаҳар Учтепа тумани А.Қаҳҳор номидаги маданият уйи қошида ташкил этилган “Кўнгил” халқ театри қизиқчиларига берилди.

Миниатюра жанри бўйича Фарғона вилояти Марғилон шаҳар маданият уйи қошидаги миниатюрачилар гуруҳи биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккита иккинчи ўрин эса Бухоро вилояти Жондор тумани Марказий маданият уйи қошидаги “Эътиқод” халқ театри миниатюрачилар гуруҳига ҳамда Қашқадарё вилояти миниатюрачилари гуруҳига берилди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти Шўрчи туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги миниатюрачилар ва Сирдарё вилоятининг миниатюрачилар гуруҳи учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Танловнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, кўп йиллардан бери халқимизга ўзларининг ичақузди лагифаю ҳангомалари, пайровлари билан манзур ва мақбул бўлиб, аскиячилик ва қизиқчилик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган устоз аскиячи, мурабийлар учун номинациялар ҳам қўйилган. Хусусан, устоз аскиячи Фарғона вилояти Қўқон шаҳридан Неъматжон Тошматов “аскиячилик санъати ривожига қўшиб келаётган муносиб ҳиссаси учун”, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридан Мамасиддиқ Ширяев “ёш аскиячиларни тарбиялашдаги катта хизматлари учун”, таниқли режиссёр Носир Отабоев “Аския ва қизиқчилик санъатини оммавий байрамларда намунали талқин этишдаги катта ижодий хизматлари учун”, Марғилон шаҳар ёш аскиячилар гуруҳи “Кўрик-танловнинг энг ёш ижрочилар гуруҳи” ҳамда Наманган вилояти Норин туманидан Ирода Мирзақодирова “Мафтункор ижроси учун” номинацияларига сазовор бўлишди. Танлов якунида ғолибларга танлов таъсисчиларининг диплом, фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кулгисевар, санъатни қадрловчи, сўз санъатига ҳаммиша кўнгли мойил халқимиз бор экан, бундай танловлар давом этаверади, бу анъаналар авлоддан-авлодга, тиллардан тилларга кўчиб, сайқал топаверади, янги-янги номлар юзага чиқаверади, халқимизга кулгу ва табассум ҳади этилаверади. Биз эса бунга дилдан ишонамиз.

**Матлуба ТЕМУР қизи**



*Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намён қилишга замин яратади. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда, ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор.*

**Ислом КАРИМОВ**

даларни, озодлик йўлбошчилари, халқ қаҳрамонларини берган.

Нима учун тарихда алоҳида, айрим саноқлигина инсонлар шахсий манфаатини четга суриб қўйиб, халқи, ватани дарди билан яшайдилар? Чунки уларда маънавий салоҳият ниҳоятда кучли бўлади ва шахсий манфаатга хизмат қилиш қамровидан чиқиб, умуммиллий ва умуминсоний, ижтимоий аҳамият касб этади. Қудратли ижтимоий куч сифатида бир неча

тимоий-иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга тушиб қолган эди. Амир Темур ҳокимиятга келиши билан, дастлаб, маҳаллий бекларни муро-сага чақирди. Давлатдаги сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олгандан сўнг, барча ҳокимлар ягона марказга бирлаштирилди. Ташқаридан бўладиган ҳужумларга ҳам, ички низоларга ҳам чек қўйилди. Мамлакатда тинчлик, осойишталик ҳукм сурди. Мовароуннаҳр мустамлақачилик зулмидан озод бўлди.

# БАЛАНД ТОҒ УЗОҚДАН

Пурҳикмат заминимиз мувозанатини виқорли тоғлар ушлаб турганидек, башариятнинг, миллатнинг ҳам ўзининг тоғлари, ҳатто чўққилари бўлади. Улар ҳаётликларида ҳам, тарихга айланганларида ҳам миллатига, ҳатто башариятга хизмат қилаверадилар. Миллат ва башарият эса ўзининг ана шу баланд тоғлари билан ҳар доим фахрланади. Башариятнинг бундай баланд, бағрикенг, саховатли, мудом миллатнинг дардига дармон бўлган тоғлари ҳар доим ҳам, ҳамма жойда ҳам униб-ўсавермайди.

Амир Темур бин Муҳаммад Тарағай Баҳодирхон ўғли Туркистон халқларининг баланд, бағрикенг, саховатли тоғи, халоскори, истиқболчиси, сарбони ва саркори, бутун ҳаёти давомида халқ фаровонлиги, Ватан озодлиги ва ободлиги учун яшаган миллат ва Ватан фарзандидир.

Ҳақиқатан ҳам бизнинг миллатимиз жаҳон тамаддунига, башариятга юзлаб, минглаб олиму фозилларни, давлат арбобию саркар-

миллатларга, халқларга хизмат қила бошлайди. Амир Темурнинг идроки ва иродаси ана шундай эди. Шунинг учун ҳам дарҳол Ватан озодлиги ва ободлиги, эл-юрт тинчлигидек мураккаб ва айни вақтда истиқболли масъулиятни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Амир Темурнинг мансаби ҳам, отасидан қолган катта бойлиги ҳам бор эди. Чигатой улусининг бошқа амирлари, мулкдорлари сингари маишатда яшаши мумкин эди. Бироқ у ҳаёти учун хавфли, оқибати шарафли, буюк йўлни — истиқлол йўлини танлади. Истиқлол йўли ҳар доим ҳам, ҳар замонда ҳам хавф-хатарга тўла, аммо келажаги буюк йўлдир.

Амир Темурнинг “Элимнинг дардига дармон бўлиб” деган пурҳикмат аҳдини, қудрат-шижоатини, ақл-заковатини амалда ватанимиз тарихининг бир қанча ҳолатларида кўриш мумкин.

XIV асрнинг 50-60-йилларида Мовароуннаҳр ерлари майда мулкларга парчаланиб, ҳокимлар ўртасида сиёсий кураш авж олган, иж-

Демак, юз эллик йилдан кўпроқ вақтдан сўнг яна мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий жиҳатдан қайта ривожланиши учун сиёсий шарт-шароит яратилди.

Амир Темур марказлашган, юқоридан қуйигача қонун ва адолатга асосланган, ҳали Шарқ ва Европа давлатчилиқ сиёсатида ҳам, амалиётида ҳам бўлмаган, жамиятдаги барча ижтимоий қатлам вакилларининг моддий, маиший, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи такомиллашган давлат бошқарув тизимига асос солган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов гуруҳ билан таъкидлаганларидек: “Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилиқ борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади”.



Амир Темур ҳокимиятга келиши биланоқ, бир қанча сиёсий, иқтисодий, молиявий, маданий, ҳарбий ислохотлар ўтказди. Уларнинг барчаси соҳибқирон ақл-заковати, қуввати билан йўғрилган давлат, жамият ва эл манфаатларига қаратилган эди. Шунинг учун ҳам уларни мамлакат аҳолисининг барча қатламлари вакиллари хайрихоҳлик билан қабул қилдилар. Адолат ва миллий манфаатдорликка асосланган бу ислохотлар давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида, халқаро нуфузининг ошишида яққол намоён бўла бошлади. Мамлакат халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари тез ривожланди. Деҳқончилик экин майдонлари кенгайди, янги сўғориш иншоотлари барпо этилди. Деҳқончилик маданияти янада юксалди. Мовароуннаҳр шаҳарлари

зида тез суръатлар билан янада ривожланди. Мовароуннаҳрнинг шаҳар ва қишлоқлари, умуман, ижтимоий қиёфаси тубдан яхшиланди. Бутун Шарқ дунёсидан йирик аҳли илмлар, олиму фозиллар Самарқандга келиб, муқимлашдилар, баракали ижод қилдилар. Давлат уларнинг яшаши ва ижоди учун барча моддий-маиший шароитларни яратиб берди. Чунки Амир Темурнинг ўзи бир қанча дунёвий ва илоҳий фанларни мукамал билган. Шунинг учун ҳам аҳли фозилларга, калом ул-мулкларга ихлоси баланд бўлган.

Маданий тараққиёт муқаррар равишда давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам, шахснинг ҳам маънавий ўсишига, комиллашишига олиб келади. Илмий хулосамизни Ўзбекистон Президенти И.Кари-

ломий қадриятлар ҳам туради. “Темур тузуклари”да “ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим”, - деган фикрлари ислом динининг жамиятдаги ўрни, мавқеини англайтиб турибди. Амир Темурга хос бўлган маънавий салоҳият мустақил давлатни бошқариш йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалда яққол намоён бўлди. У ҳар доим Аллоҳга, имонга, китобга, тафаккурга таяниб иш кўрар эди.

Амир Темур давлати Шарқ ва Европа дунёси билан фаол ҳамкорлик қилган. Бунга мамлакатда барча ижтимоий, иқтисодий асослар мавжуд бўлган. Давлат ташқи дунё билан ҳамкорлик қилмасдан халқаро нуфузга эриша олмаслигини Амир Темур жуда яхши билган.

Модомики, гап XIV асрнинг 70-90-йиллари, XV асрнинг бошлари

# ЯХШИ КЎРИНАДИ...

ижтимоий қиёфасини ўзгартириб, кенгайди, ободонлашди, йирик ҳунармандчилик ва савдо, маданий ва маъмурий марказларга айланди. Туркистон йирик иқтисодий минтақа сифатида шуҳрат қозонди. Натижада жамиятнинг ижтимоий, маданий, маънавий тараққиёти учун асосли имкониятлар яратилди. Аҳолининг моддий турмуш шароити фаровонлашди. Амир Темурнинг бошқа давлат бошлиқларидан фарқи — у бутун умри давомида бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлганлигида. Эл-улус дарди, Ватан ободлиги ва яхлитлиги гами билан яшади.

Бу даврда маданият фақат иқтисодий омиллар асосида шаклланди, ривожланди. Шу мантиқ қонуниятига асослансак, XIV асрнинг 80-90 йиллари — XV асрнинг бошларида Туркистон дунёда иқтисодий жиҳатдан ҳам, маданий жиҳатдан ҳам энг ривожланган марказ эди. Унинг маданияти, илм-фани мамлакатнинг тараққий этган иқтисодиёти неги-

мов “Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир”, деган фикрлари билан тасдиқламоқчимиз. Амир Темур ҳукмронлиги даврида давлат ҳам, жамият ҳам ўзининг мустақкам маънавий асосларига эга эди. Чунки жамият қонун ва адолат талаблари ислом динининг фарзлари ва нақшбандия таълимоти асосида бошқарилган. Буларнинг барчаси жамиятнинг маънавий комиллашганлигидан дарак беради. Фақат маънавий жиҳатдан тараққий этган жамиятдагина давлат бошқарув ишлари муваффақиятли бўлади. Бинобарин, маънавиятда жуда катта иқтисодий, фан-техника, маданий, ахлоқий омиллар мужасамлашган. Амир Темурнинг “давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим” — деган фикрлари ҳам жамиятнинг маънавий салоҳият даражасини билдиради.

Маънавий омиллар асосида ис-

тўғрисида борар экан, фанда мавжуд тарихийлик, холислик, ҳаққонийлик диалектикаси талаблари асосида хулоса чиқармоғимиз зарур. Демокримизки, Амир Темур олиб борган ҳарбий ҳаракатларининг биронтасини ҳам босқинчилик уруши деб бўлмайди. Уларнинг барчасида аниқ, асосли сабаблар бор. Амир Темурнинг бирдан-бир мақсади — Ватан озодлиги, яхлитлиги, фаровонлиги, халқларнинг осойишталиги эди. Ул зотнинг барча юмушлари фақат ватани, халқи манфаатларига қаратилган эди.

Амир Темур миллатнинг доим барҳаёт, баланд, бағрикенг тоғидир. Баланд тоққа узоқдан, истиқлол кўзи, тафаккури билан қарасак, яхши кўринади. Биз авлодлар, миллат фарзандлари Амир Темур сингари улуғ ажодларимиз билан фахрланамиз, уларнинг тарихини, меросини ўрганиб, тар-ғиб этаверамиз.

**Мансур ОЛТИНОВ,**  
тарих фанлари доктори,  
профессор

# ТАНБУР

## ТАРИХИДАН


Ўзбек халқининг бой мусиқа маданиятида ҳар бир чолғу алоҳида ва муҳим рол ўйнайди. Миллий чолғуларимизнинг ҳар бири келиб чиқиши жиҳатидан ўзининг анъаналари ва тарихига эга. Шундай чолғулардан бири танбур неча асрлардан бери халқимиз ўртасида ардоқланиб, моҳир созандаларимиз қўлида янграб, маънавият равнақи учун хизмат қилиб келаётган мусиқа асбобларидан биридир. Бу миллий чолғу нафақат ўзбек халқи, балки қардош тожик, уйғур халқларининг миллий чолғу ансамблларида ҳам етакчи чолғу асбобларидан бири ҳисобланади.

Танбур созининг яратилиши ва унинг тараққиёт жараёнини, дастлаб, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг мусиқа билимдонлари ўз асарларида илмий нуқтаи назардан тадқиқ этганлар. Масалан, Форобий, Котибий, ибн Зайла Исфохоний, Ибн Сино, Хоразмий, Шерозий, Навоий, Жомий, Ҳусайний, Мароғий, Кавкабий ва Дарвеш Али Чангий каби алломаларимиз ўзларининг рисолаларида танбур ва танбур оиласига мансуб чолғулар ҳақида маълумотлар келтиришган. Далилларга қараганда, танбурнинг илк яратилгани яқтор деб аталган экан. Йиллар ўтгач, изланишлар ва яратувчанлик натижасида унинг кейинги авлодлари: дутор, чортор, панжтор, танбури кучак, танбури бузрук, най танбур (камонли танбур), ширвон каби турлари такомиллашган. Айниқса, Хуросон танбури, Бағдод танбури, Турк танбури, Ҳинд танбури, Афғон танбури, Ўзбек ва Тожик танбури, Курд танбурларининг бундай номланиши тарихда жойлашуви ва миллий номлари билан аталиб келинган.

Ўша даврда ижод этган таниқли шоир, созанда ва хонандаларга оид маълумотлар Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» китобида «Алишер Навоий ва Хожа Мажиддин Муҳаммад мажлиси таърифи»да берилган. Унда устод Али Кўчак Танбурийнинг иштироки тилга олинган. Бундан кўри-

*Сетор деманг, ҳоли дилим сўрғувчи танбур,  
Кўнглим гирехин ғамларини сўрғувчи танбур.  
Бир неча рақиблар сўзидан ғамзада бўлсам,  
Ҳамдард бўлубон оғушима кирғувчи танбур.*

Машраб



ниб турибдики, танбур ва танбур жўрнавозлигида кўшиқ ижро этиш XV асрлардаёқ ривожланган.

«Танбур» атамасининг маънолари турли ёзма асарларда турлича изоҳланган. Жумладан, Дарвешали Чангий Бухорийнинг (XII аср) «Тухфат-уссурур» асарида таъкидлашича, танбур сўзи юнонча сўз бўлиб, «тан» юрак, «бур» тирнаш маъноси ни англатади. Маълум бўладики, танбур юрак торларининг тебранишини, юрак тирналишини англатади.

Маълумотларга кўра, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий сингари мутафаккирлар ва уларга замондош шоир ва мусиқачилар ҳам танбур созидан фойдаланишган. Хоразмий, Машраб ва бошқа кўпгина мумтоз шоирларимиз газалларида ҳам бу муборак ва табаррук соз номини учратамиз.

Абу Наср Форобий (870-950) ўзининг «Китоб ул-мусиқий ал-кабир» («Мусиқага доир катта китоб») асарида танбур созининг ўша даврларда, яъни X асрда Хуросонли ва Бағдодли каби турлари мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумот берган. Абу Наср Форобий танбур, най ва уд чолғуларида куйлар ижро этгани ҳақида маълумотлар ҳам бор.

Самарқандда Амир Темур саройида узоқ йиллар давомида ўзининг беназир санъати билан хизмат қилиб доврўғ қозонган Хўжа Абдулқодир танбурнинг ширвоний туркон турлари билан бир

қаторда “Най-танбур” деб номланувчи камонли тури ҳам мавжудлигини эслатиб ўтган эди. Мазкур чолгу ҳозирда “Сато” деб аталади.

XIX асрда яшаб ижод этган хоразмлик шоир ва бастакор, мусиқашунос Комил Хоразмий Хоразм мақомларини айнан танбурга мослаб ёзишга эришди. Шу боис у тузган ёзув “Танбур чизиги” деб номланган. Мусиқашунос олим Отаназар Матёқубов ушбу танбур ёзувининг асосий тамойилларини куйидагича номлаган: танбурнинг 18 пардасига кўра 18 чизик олинади ва уларнинг



ости-устига нуқталар кўйилади. Нуқталар нохун зарбларининг миқдорини белгилаб беради.

Манбаларда ёзилишича, Хоразм хони Феруз танбурни ҳам чалиб, ҳам унинг жўрлигида кўшиқ куйлай олган экан. Комил Хоразмий мақомларнинг айрим қисмларини ёза бошлаган. Унинг ўғли ва шогирди Муҳаммад Расул Мирзо Хоразм мақомларини тўлалигича ёзиб олган.

Маълумки, XX асрнинг 20-йилларига қадар Ўзбекистонда миллий чолғуларни ўрганиш курслари дастлаб 1925 йилда Бухорода, 1928-30 йилларда Самарқандда ташкил этилди. Бугунги кунда созанда, танбур ижрочилигида мактаб яратган Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Алиматов номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Айни пайтда устознинг ижодий мактабидан баҳраманд бўлган шогирдлари, ёш созандалар устози ишини давом эттириб келяптилар.

40-йиллар охири — 50-йилларнинг бошларига келиб танбур, дутор ва бошқа миллий чолғу асбоблари реконструкция қилиниб, ҳам шаклан, ҳам созланиш жаҳатидан ўзгартирилди. Бу жараёнда унинг ноласи ва тембри ҳам ўзгарди. Ижро техникаси бироз қулайроқ туюлгани билан илгариги миллий чолғуларимизда учрайдиган нола, қочирим, нолиш, молиш, кашиниш ва бошқа миллий безаклар камайди.

Юнус Ражабий, Исҳоқ Ражабий, Файзулла Кароматов ва Фахриддин Содиқов сингари мусиқамиз фидоийлари ташаббуси билан 1972 йилда Ўзбекистон Давлат Консерваторияси қошида “Шарқ мусиқаси” кафедраси ташкил этилди. Кафедранинг анъанавий мусиқа бўлимида миллий чолғуларимизга, чолғу ва ашула йўлларининг ўзига

хос миллий безакларига, ўзбек мақомлари ижроларига ҳам катта эътибор берилди бошланди. Бу воқеа ўзбек мусиқа санъати раванқи йўлидаги энг катта ютуқларимиздан бири эди. Кейинчалик, 1987 йилда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг профессори Раҳматжон Турсунов раҳбарлигида “Анъанавий халқ мусиқаси” кафедраси ташкил этилди.

Миллий мусиқа ижрочилигида қўлланиладиган “қочирим”, “кашиниш”, “тўлқинлаштириш”, “нолиш”, “молиш” сингари махсус безаклар кўпчилик созанда ва хонандаларга маълум. Уларнинг айримлари товушнинг сифатини белгилайди.

Бу чолғуда ажойиб ижрочилиги билан халқимизга манзур бўлган танбурчилар Султонхон Ҳакимов, Мақсудхўжа Юсупов, Ёқуб Давидов, Асад қори Лутфуллаев, Маъруфхўжа Тошпўлатов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Рисқи Ражабий, Жўра-Танбурий, Отавали Нуриддинов, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Алиматов каби жуда кўп созандаларнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Кўплаб машҳур ҳофизларимиз танбур жўрлигида бетакрор асарлар яратганлар. Ҳозирги кунда ҳам ушбу хайрли анъана давом этиб келмоқда.

Миллий созларимиз, уларда ижро этилган ноёб куй ва мусиқалар бебаҳо бойлигимиз ва маънавий хазинамиз сифатида ҳаминша ардоқлидир.

**Абдулла УМАРОВ,**  
**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент**  
**Давлат маданият институти профессори**  
**Қурбонмурод ОМОНҚУЛОВ,**  
**тадқиқоччи**



# МИЛЛИЙ КЎГИРЧОҚЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика “Хунарманд” уюшмаси, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси ҳамда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ҳамкорлигида ташкил этилган анъанавий Кўғирчоқбозлик санъати Республика фестивалининг жорий йилдаги кўриги Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда тасдиқланган “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури”га асосан ташкил этилган бу тадбирдан кўзланган асосий мақсад, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган ҳаваскор кўғирчоқсозлар ҳамда кўғирчоқ театрлари иши билан яқиндан танишиш, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, ижодий фаолиятини тарғиб этиш, ёшларимизнинг миллий кўғирчоқбозлик санъатига бўлган қизиқиши ва меҳрини ошириш ҳамда бадиий ҳаваскорлик санъатини янада ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, фестивал якунида театршунос олимлар, мутахассислар ҳамда бадиий ҳаваскорлик театрлари бадиий раҳбарлари иштирокида “Кўғирчоқбозлик санъати ва давр” мавзуида

давра мулоқоти ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадиий Академияси, Хунарманд уюшмаси, Театр Ижодкорлари уюшмаси аъзоси, «Жайхун» кўғирчоқ театри бадиий раҳбари, кўғирчоқсоз уста

ган ёзги оромгоҳларда дам олаётган болалар, Чилонзор туманидаги болалар боғчалари тарбияланувчилари таклиф этилди. Улар миллий кўғирчоқлар кўргазмаси ҳамда халқ эртаклари асосида саҳналаштирилган кўғирчоқ спектаклларини томоша қилдилар.



Шу кунини Фафур Фулом номидаги Маданият ва истироҳат боғида кечга қадар Лолахонлар, Бичихонлар, Качалполвонлар, Афандилар, Зумрад, Қиммат, Али, Вали, содда бўривой, айёр тулки сингари кўғирчоқлар болаларнинг кўз ўнгида, қўлларида ўйин кўрсатишди. Боғдан чиқаётганларнинг кайфияти бай-

қизиқиши ва меҳрини ошириш ҳамда бадиий ҳаваскорлик санъатини янада ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, фестивал якунида театршунос олимлар, мутахассислар ҳамда бадиий ҳаваскорлик театрлари бадиий раҳбарлари иштирокида “Кўғирчоқбозлик санъати ва давр” мавзуида

Мансурбек Курёзов кўғирчоқбозларга, усталарга, ёшлар ва қизикувчиларга, таълим муассасалари ходимларига кўғирчоқ ясаш, улар билан “тиллашиш” сирларини ўргатувчи “мастер класс” машғулотини ўтиб берди.

Фестивалга Тошкент вилояти туманларида ташкил этил-

рамона, ҳамма хурсанд — ташкилотчилар ҳам, иштирокчилар ҳам, болалар ҳам. Республика-миз мустақиллигининг йигирма йиллиги олдидан ўтказилаётган бундай тадбирлар болалар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига ишончимиз комил.

**ХОНИМОЙ**



*Катта ашула қадимий музыка жанрларидан бири бўлиб, унинг келиб чиқиши ҳозирги кунда мутахассислар ўртасида кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Баъзи муқашунослар бу жанрни "диний мазмундаги сўзлар билан айтиладиган музыкаларга боғлиқ" деса, бошқалари "катта ашулачилик шеърларни баланд овозда, юқори пардада куйлаш орқали вужудга келган", деган фикрни билдирадилар. Мутахассислар орасида ушбу санъатни "Қадимда муқашуносларнинг сотиб олишга қўрби етмаган баланд овозли хонандаларнинг санъати", тарзида талқин этувчилар ҳам йўқ эмас.*

## КАММА АШУЛА — КАММА САЪБАТ

Айрим санъаткор ёшларимиз катта ашулани мумтоз газалиёт бирор-бир куйга тартибсиз равишда солиниб, усулсиз равишда, бадиҳали, соз жўрлигисиз куйланадиган шунчаки оҳанг, деб номлашга уринишяпти. Хуллас, кўпчилик бу қоришиқни катта ашула деб қабул қилмоқдалар.

Аслида эса, катта ашула ўзбек мумтоз муқашуносларнинг маълум мезон ва қонуниятларга асосланган, асрлар оша шаклланиб, устоз хонандалар томонидан асраб-авайлаб ривожлантириб келинаётган мустақил ва етук жанрларидан биридир. Катта ашула Фарғона водийсида шаклланиб ва ашула ижрочилигининг алоҳида йўналиши ҳисобланади. Шу билан бирга, катта ашула ижро амалиётида чархланиб, ўз даврининг моҳир санъаткорларини тарбиялаган ва ашула ижрочилиги санъатида хос бўлган бир қатор унсурларни мукамал тарзда ўзида мужассам этган анъанавий мактабдир. Зотан, унинг ижрочилик мезонлари хонандалардан алоҳида истеъдодни, овоз, идрок, зукколик, бадиҳавийлик ва маҳоратни талаб этади. Бу нафис санъатни мукамал эгаллаган устозлардан ўрганиш,

шунга муносиб тарғиб этиш ва шу йўлда янги намуналарни ижод этиш жуда аҳамиятлидир. Энг муҳими, замонавий ижрочиларни тарбиялаш, катта ашулачиларнинг янги авлодини вояга етказиш долзарб вазифалардан биридир.

Катта ашула санъати маълум тарихий жараёнларни бошдан кечирган, халқнинг ижтимоий, сиёсий ҳамда маънавий эҳтиёжлари асосида яшаб, ҳаётда ўз изини қолдириб келаётган бетакрор айтимлар сирасига мансуб.

Маълумки, катта ашулалар икки услубда ижод этилиб келинган. Биринчиси, мақом пардаларига мос ва унинг муайян қоидалари асосида юзага келган катта ашулалар. Иккинчиси, ба斯塔корлар томонидан турли услубларга мослаштириб яратилган катта ашулалардир.

Дарҳақиқат, катта ашула жанри муқашуносларнинг намуналари ичида алоҳида ўрин тутди. Бундай дейишимизга сабаб, жанр хусусиятидан келиб чиқиб, бу - хонандалик санъати билан боғлиқ ва муқашуносларнинг сотиб олишга қўрби етмаган баланд овозли хонандаларнинг санъати, тарзида талқин этувчилар ҳам йўқ эмас.

учун, амалиётда "ликобий ашула" ҳам дейилади.

Амалиёт давомида, ашула номига "ёввойи" атамасини қўшиб айтиш ҳам расм бўлган. Бунинг сабаби, ижрода доира ёки бошқа бир муқашуносларнинг иштироки билан ижро этилади. Шунга қарамай, хонандалар муайян услубни ижро давомида сақлаб турадилар. Масалан, "ёввойи Чоргоҳ" муқашуносларнинг намунасини олайлик. "ёввойи" сўзи асар усулига, яъни унинг созсиз ижро этилишига нисбат берса, "Чоргоҳ" атамаси эса мақомот сафидаги маълум пардалар мажмуасини англатади.

Аниқ тушунчага эга бўлиш учун бу асарни чуқурроқ таҳлил қилиб кўрамиз. Катта ашула услубида ижро этиладиган "ёввойи Чоргоҳ" уч хонанда томонидан ижро этиб келинган (вазият тақозо этганда, икки, ҳаттоки тўрт ижрочи томонидан ҳам ижро этилиши мумкин). Дастлаб даромад ва миёнхатида аниқ усул ликобларда билдирилиб, учала хонанда ижрони бирга бошлайдилар.

"ёввойи Чоргоҳ" катта ашуласи таркибан усулга асосланган ва асосланмаган ички таркибдан ташкил топган. Бу бўлақлар ашуланинг ички қоидалари заминида хос қилиб ижро этилади.

"Ёввойи Чоргоҳ" ўзига хос даромад билан бошланади ва бу даромад ашуланинг фалсафий мағзи ҳисобланади. Шу боис даромад ўта босиқлик билан ва катта салобат билан ижро этилади. Асарнинг ўрта авж ва дунаسر қисмларида дастлаб, усулсиз қисмида овози нисбатан пастроқ бўлган хонанда бир хатини ижро этади, хат якунига етмай туриб унинг охириги ҳарфларидан овози нисбатан юқорироқ бўлган хонанда иккинчи хатни улаб кетади. Худди шу кўринишда учинчи хонанда иккинчи хонанданинг сўзларини улаб, кейинги хатни ижро қилади ва тўртинчи хатдан бошлаб учала хонанда яна биргаликда давом эттирадилар.

Асар ижроси авжига келганда яна усулсиз қисми бошланади. Энди овози энг баланд бўлган хонанда ижрони давом эттиради. У юқори пардаларни чиройли қочиримлар билан олиб келиб, овози нисбатан пастроқ бўлган хонандага ижрони топширади. У ҳам, ўз навбатида, биринчи хонанданинг овозини кейинги хатга улайди. Учинчи хонанда ҳам, шу тариқа, давом эттиради ва яна биргаликдаги ижро усули билан фурувард қисми якунланади.

"Ёввойи Чоргоҳ"нинг нафақат оҳанглари ва пардалари мақомлардан олинган, балки мусиқий йўллари ҳам айнан мақомлардандир. Асарнинг мақомлардаги Чоргоҳлардан фарқи фақатгина ижро услубида намоён бўлади. Чоргоҳ пардалари мажмуасининг мусиқий созларсиз ижро тури айнан шундай бўлиши керак. Кейинги даврларда катта ашулани чолғу асбоблар билан жўр бўлиб айтиш ҳам расм бўла бошлади. Лекин чолғулар атиги жўрнавозлик хусусиятини касб этади, холос.

Ҳозирги кунга қадар катта ашула жанрининг қаерда ва

қачон келиб чиққани ҳақида аниқ далиллар топилган эмас. Мутахассислар ва хонандаларнинг турли манбалардаги катта ашула ҳақидаги фикрлари мусиқашунос олим Рустам Абдуллаевнинг "Катта ашула жанри ва ижрочилари" деб номланган номзодлик диссертациясида келтирилган. Жумладан, шарқ мусиқашуноси В.М.Беляев "катта" деганда асарнинг сўзлари очиқ ва маънолари катталигига урғу беради, машҳур мусиқа фольклорчиси ва бастакор В.А.Успенский ва қўқонлик ҳофизлар эса катта ашуланинг "Самъ" маъносига яқин бўлиб, шундай мусиқалардан келиб чиққанини таъкидлайдилар. Машҳур катта ашула ижрочиларидан Акбарали Бобоев, Мамадали Юсупов, Собиржон Азизов, Саидали Ҳошимовлар бу санъатни катта хоналарда ҳамда очиқ ҳавода мусиқий созларсиз ижро этилгани учун катта ашула, дейишган. Мақсуд Ҳамидов, Иномжон Исроилов, Одилжон Юсупов, Мамадазиз Умаров, Эркин Ҳайдаров, Орифҷожи Алимаҳсумов ва бошқа хонандалар бу жанрнинг ижрочи овозлари кучли ҳамда катта бўлиши лозимлиги, шу йўсинда ҳар бир эшитувчини маҳдиё қилиши билан ушбу ном берилган, деган фикрни билдирганлар. Хонандалар Муҳсинжон Мирзахўжаев, Темурбек Баратовларнинг назарида эса, катта ашула жанрининг шеърлари қадимда жуда чуқур, пурмаъно, диний бўлганлиги, авжлари ҳам жуда юқорилиги сабабли унга "катта" атамаси қўшилган. Бу жанрга нисбатан яна "патнис ашула", "патнисаки ашула" номлари ҳам қўлланилади. Бундай номланиш, аслида, хонандалар ликопча ёки темирли патнисларни қўлларида ушлаб айтганлари сабабли юзага келган. Ўзбек мусиқаси тадқиқотчилари ва катта ашула ижрочилари бу

жанрнинг барча сифатларини ҳисобга олган ҳолда, яъни мусиқий йўлнинг узунлиги, шеърлий матннинг маънодорлиги ва бошқа хислатлари унинг номланишига мос эканлигини таъкидлайдилар.

Энди эса катта ашулалардан бири бўлган "Ёввойи Ушшоқ" асарини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Асар ижроси давомида доира ёки бошқа бирон-бир мусиқий чолғулардан фойдаланилмайди, шунинг учун унинг номланишига "ёввойи" атамаси қўшилган. Катта ашулаларда гарчи доира сози ҳам иштирок этмаса-да, хонандалар усулни, яъни ритмни ижро давомида сақлаб туришади.

"Ёввойи Ушшоқ"нинг даромад қисми икки хонанданинг навбатма-навбат ижроси билан бошланади. Миёнхат ва дунаسر қисмлари ҳам икки хонанданинг бири-бирини тўлдирувчи газал байтлари билан давом эттирилади.

Бу кўриниш уч маротаба такрорланади ва сўнги такрорланиши энг юқори авжи билан ижро этилади. Асар фурувард, яъни якунловчи қисми билан тугалланади. Маълумки, "Ушшоқ" атамаси "ошиқ" сўзининг қўпликдаги маъносидир. Бу руҳият асарининг ижроси жараёнида муттасил давом этиб туради.

Катта ашулаларнинг келиб чиқиш тарихини мутахассислар турлича тахмин қиладилар. Манбаларнинг бирида: "Катта ашулаларнинг матнлари фақат аруз вазнидадир. Шунинг учун бу жанрнинг келиб чиқиши араблар истилосидан кейинги даврга тўғри келади. Чунки аруз вазни бизга араблардан кириб келган. Ундан олдин фақат бармоқ вазнидаги шеърлар бўлган", деб ёзилган. Шу ўринда савол туғилади. Нима учун катта ашула фақатгина водий хонандалик мактабларида мавжуд? Ахир қадимда Самарқанд, Бухоро ва Хо-

размда мусиқа санъати ривожланганроқ эди-ку? Айниқса, Бухородаги буюк мадраса ва хонақоҳлардаги мусиқий таълимот ва илм пешволари ўша давларда ягона саналар эди-ку? Шунини айтишимиз мумкинки, катта ашула жанрига ўхшаш, яъни чолғусиз ижро этиладиган жанрлар мамлакатимизнинг бошқа воҳаларида ҳам мавжуд. Мисол учун, Хоразм дostonларидаги речитатив, яъни нутқ билан айтилувчи қисми, Бухоро мавриги ва Бухорча жанрларининг бошланиш, доира усулисиз қисми, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларидаги мавжуд айтим, яъни эслаш, ёд олиш каби куйлаш жанрлари мавжуд. Аммо Тошкент-Фарғона катта ашула жанри бу борада нисбатан мукамал ва ўзига хосдир. Ўзбек миллий мусиқаси бениҳоя бой ва гўзалдир. Унинг нодир жанрларидан бири бўлган катта ашулачилик санъати ўзига хос тарихга эга.

Катта ашула жанрининг келиб чиқиши ҳақида мутахассислар яна бошқа турли далилларни айтадилар. Манбалардан бирида ёзилишича, катта ашула икки ва ундан ортиқ хонандаларнинг мусобақаси орқали шаклланган. Кўрик-танловнинг ўзига хос шартлари бўлган: биринчидан, катта ашула ижрочилари бошлайдиган пардаларини ва ўз овоз кўламлигини аниқ билишлари лозим, акс ҳолда, авж қисмига ега олмай, қийналиб қолишлари мумкин. Бу хонандалардан эшитиш қобилиятининг ўткирлигини талаб этади. Иккинчидан, аниқ доира усулисиз ашула айтиш хонандалар учун бадиҳагўйликда ва овозлар гўзаллигини намоён қилишда янада эркинлик яратиб беради. Бу хонандалардан кутилмаган нола ва қочиримлар орқали юрак дардини кўрсатиб бера олишни талаб этади. Учинчидан, хонандалар ашуланинг

сўзларини эсан чикариб қўйсалар, бошқа сўзларни айтиш ва ямлаш орқали созларни баландроқ чалиб, овозларини пастроқ чикарадилар. Тўғри маънода, сознинг орқасига беркинадилар. Катта ашулада эса бунинг ҳеч иложи йўқ. Демак, сўзларни ёдда сақлаш ҳам танловнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Бундан ташқари, аруз вазни тузилмасини, яъни риторикасини юқори овозда маълум қонуниятлар билан тула-тўқис ижро этиш ҳам асосий вазифалардан бири бўлган. Унинг мусиқий пардалари ўзгариши, мақомлар пардаларига мосланиши кейинчалик пайдо бўлган омиллардандир.

Бастакорлар томонидан яратилган катта ашулаларда шеърнинг маъно-моҳиятига мос равишда пардалар ва мусиқий йўл танланади. Ижрочилар эса баъзан биргаликда ёки якка ҳолда ижро этиши ҳам мумкин. Катта ашулаларнинг ичида шундайлари борки, бу асарларни икки хонанда ижро этмаса бўлмайди, чунки уларнинг сўзлари ва мусиқий матни бир ижрочи учун қийинчилик тугдиради. Масалан: Жўрахон Султонов ижросидаги "Оҳ ким...", "Кўкарди чаман", "Эй, санам...", "Ёдимга тушди", Маъмуржон Узоқов ижросидаги "Ёлғиз", "Доғман", "Кўп нозу итоб этма", "Ёр истаб" ва бу ашулалар кетидан уларга мос пардали ашулаларни мусиқий созлар жўрлигида ҳам ижро этганлар. Орифхожи Алимаҳсумов ижросида "Кўп эрди", "Ўхшарсиз", "Эй, дилбари жононим", Фаттоҳхон Мамадалиев ижросида "Топмадим", "Ўзбекистоним" каби катта ашулаларни эса якка ҳолда ижро қилса бўлади.

Маълумки, Марказий Осиё халқларида овоз орқали ижро этиладиган жанрлар жуда кўп. Айни пайтларда кўп учрамайдиган фольклордаги қўғирчоқбозлик шундай жанр. Ёки дostonчилик

да ўша даврларда доира билан ва умуман созсиз ижро этиладиган дostonлар ҳам мавжуд бўлган. Шунингдек, мумтоз шоирларнинг нодир газалларини оҳанглар билан ўқиш анъанаси ҳозиргача сақланиб келган. Кўшиқ, лапар, ялла, айтишув жанрлари, уч воҳа мақомининг айтим йўллари сақланиб қолди ва ижодий изланишларга сабаб бўлди. Мутахассисларнинг айтишича, катта ашулалар фақат аруз вазнидаги шеърлар билан ижро этилади.

Аруз вазни, сўз риторикаси катта ашула ижросида муҳим аҳамиятга эга. Аммо шундай катта ашулалар ҳам борки, уларнинг шеърини вазнлари аруз эмас. Яъни бармоқ вазни ёки бошқача айтганда, терма шаклида ёзилган шеърлар асосида ҳам ижро этилган. Бу ҳолат эса, катта ашулалар фақатгина аруз вазнида айтилади, деган фикрни инкор этади. Бизга шеърининг аруз вазни кириб келишидан олдин бармоқ ва шунга ўхшаш, нисбатан содда шеърини вазнлар расм бўлган. Албатта, бундай вазндаги шеърларга ҳам катта ашулалар боғланган. Афсуски, бу кўринишдаги катта ашулалар ҳозирги кунга қадар сақланиб қолмаган. Бармоқ вазнида ижро этилган катта ашулаларни тиклаш мақсадида ёш хонандалар изланишлар олиб бормоқдалар.

Катта ашула жанри энг ноёб санъат турларидан бири сифатида халқаро "ЮНЕСКО" ташкилоти томонидан тан олинган. Бунга катта ашуланинг ҳам "мақом" сингари санъатнинг мураккаб тури эканлиги ҳамда дунёнинг бошқа ҳеч қайси давлатида йўқлиги сабаб бўлди. Чиндан ҳам катта ашула жанрининг ижроси қийин ва мураккаб бўлганлиги учун ҳар қандай хонанда ҳам уни ижро эта олмайди.


**Бекназар ДЎСТМУРОДОВ,**  
**Ўзбекистон халқ ҳофизи**



*«Болалар  
ёзи оромгоҳи»  
фотомуҳбир  
Матраб  
ЖУРИЖБОВ  
нигоҳида*









*Моцарт - музика-нинг ёшлиги, у инсониятга баҳор либоси ва руҳий оҳангдорлик қувончини келтирувчи абадий ёшлик булогидир.*

Д. Шостакович

# Моцарт

Вольфганг Амадей Моцарт 1756 йилнинг 27 январ куни Австриянинг Зальцбург шаҳрида дунёга келди. Узоқ йиллар давомида Зальцбург композитори сифатида фаолият юритган отаси Леопольд Моцарт ўғлидаги ёрқин музикаий истеъдодни эрта сезиб, унга дастлаб клавесин, сўнгра скрипка ва орган чалишни ўргатади. Шунингдек, машҳур композиторларнинг асарлари ҳамда музика назарияси асослари билан таништиради.

Ёш болакай Вольфганг нота ёзишни сал-пал ўрганиб олиши биланоқ, соатлаб музика асарлари ёзишга уринади. Ўғлидаги фав-

*XVII аср Европа мумтоз музика мактабининг ёрқин на-мояндаси Вольфганг Амадей Моцарт ўзининг 35 йиллик қисқа умри давомида олти юзга яқин турли жанрдаги му-зикаий асарлар яратди. Бироқ унинг бутун инсоният олди-даги улкан хизматлари ўздан сўнг қолдирган бой музикаий мерос билангина эмас, балки ўзигача мавжуд бўлган Евро-па музикаий санъатларнинг синтези асосида яратган, ҳамма санъаткорларга ҳам насиб этавермайдиган ўзига хос янги мактаб яратганлиги билан белгиланади.*

*Моцартнинг юксак истеъдодига нафақат ўз даврининг И. Гайдн, Л. Бетховендек буюк санъаткорлари, шу билан бирга, И.В.Гёте, А.Эйнштейн каби қатор машҳур адибу олимлар ҳам таҳсин айтишган. Чунинчи, Пушкин ўзининг "Моцарт ва Сальери" асарида ушбу даҳо санъаткорнинг ижодига бўлган ҳайратини "Қандай теранлик! Қандай жа-сорат ва қандай уйғунлик!" дея ифодалагани сир эмас.*

қулодда истеъдод тарбиясига ниҳоятда катта эътибор берган Леопольднинг буюк мақсади кичик Вольфгангни нафақат Австрия, қолаверса, бутун дунёга "мўъжиза-кор бола" сифатида танитиш эди. Шу мақсадда улар 1762 йилда, аввал Мюнхен, сўнгра эса, Фарбий Европанинг улкан маданий ва музикаий маркази Австриянинг пойтахти Вена шаҳрида бўлиб қатор концерт беришади.

рини тайёргарликсиз чалиб, ҳам-мани ҳайратда қолдиради.

Император Франц I Вольфгангнинг чалган машқини эшитгач, унга ҳазиллашиб, "бармоқларнинг ҳаммаси билан чалиш унчалик қийин эмас, клавесин пардалари-ни бирор мато билан беркитиб, бир бармоқда чалсанг, ана унда киши-ни қойил қолдирасан", - дейди. Бун-га жавобан ёш болакай Моцарт клавесин пардаларининг устини бўз билан ёпиб қўйиб, бир бар-моқда осонлик билан чалиб, барчани қойил қолдиради.

1762 йилги концертларнинг бадийи ва моддий

Унинг бу саёҳатларида 11 ёшли опаси Мария Анна ҳам бирга бўлиб, концертларда иштирок этади. Зўр музикаий истеъдодга эга Мария Анна ҳатто 10 ёшиданоқ Зальцбургда аъло клавесинчи-созанда бўлиб ном чиқарган эди.

Мюнхен ва Вена шаҳарлари бўйлаб қилинган саёҳатлар муваффақиятларга бой кечади. Айниқса, императорнинг Вена яқинидаги ёзлик Шеннбурн резиденция-чорбоғида ўтказилган концертлар юксак олқишларга сазовор бўлади. Бу ерда Вольфганг сарой композитори Г.К. Вагензейль иштирокида энг қийин клавир концертларидан би-

ютуқларидан мамнун бўлган Леопольд Моцарт болалари билан Фарбий Европа мамлакатлари бўйлаб катта концерт саёҳатига чиқишни мақсад қилади. Бу чет эл саёҳати 1763 йилнинг июн ойдан 1766 йилнинг ноябр ойигача давом этади.

Моцартлар оиласи Мюнхен, Бейдельберг, Майнц, Майн дарёси бўйидаги Франкфурт, Кёльн, Ахен, Брюссель каби шаҳарлардан ўтиб, ўша пайтда Фарбий Европанинг маданият ва музика марказларидан ҳисобланган Франция пойтахти - Париж шаҳрига йўл олади. Улар Парижда беш ой туриб, зодагонлар меҳмонхоналари ҳамда


Версаль саройида Людвиг XV ва унинг арконлари ҳузурда кўпгина концертлар беришади.

Ушбу концертларда опасининг машқлари юксак баҳо олса-да, саккиз ёшли Моцарт бутун тингловчиларнинг завқ-шавқини кўзгатар эди. Ҳали ёш бўлишига қарамай, XVIII асрнинг "муסיқа мўъжизаси", "ёш сеҳргар" номи билан аталиши бежиз эмас эди.

Ушбу саёҳатлар Вольфгангга ёрқин таассуротлар қолдиради ва унинг бадиий юксалишига катта замин яратади. Ёш санъаткор Фарбий Европада кенг тарқалган опера муסיқаси, турли концертбоп муסיқа асарлари ҳамда халқнинг кундалик ҳаётидаги муסיқалар билан кенг танишиш имкониятига эга бўлади. Вольфганг Моцартнинг дастлабки "Содда муғомбир" ҳажвий операси, айтиш мумкинки, машҳур италян ёзувчиси ва драматурги "Мемуарлар" асари муаллифи Карло Гольдани асари замида яратилган. 12 ёшли Моцартнинг навбатдаги бир пардали ҳажвий операси "Бастьен ва Бастьена" деб номланади.

Леопольд Моцарт ўгли Вольфганг то Италияга бориб, муסיқа билимини камолга етказмагунича, мустақил опера композитори сифатида жаҳонга танила олмайди, деб ҳисобларди. Шунга биноан улар 1769 йилнинг декабрида Италия гастрол сафарига чиқишни режалаштиришади. Дарҳақиқат, Верон, Мантуи, Болонья, Флоренция, Рим, Неаполь, Милан, Турин, Венеция, Падуа шаҳарларида кечган концертлар ёш санъаткорнинг шуҳратини янада оширади. Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, Моцарт Болонья шаҳри филармония академиясида муסיқа назарияси бўйича энг оғир имтиҳондан муваффақиятли ўтиб, академия аъзоллигига қабул қилинади. Бу даврда Моцарт эндигина 16 ёшга қадам кўйганига қарамай, унинг номи фақат Австрия, Германиядагина эмас, балки Франция, Англия, Голландия, Бельгия ва Италияда ҳам маълум ва машҳур эди.

Ёрқин Италия таассуротла-



ридан кейин Зальцбург ҳаёти Моцартга зерикарли туюлади. Отаси Леопольд даҳо ўглининг Зальцбург ҳаётига кўникмаслигини яхши тушуниб, унинг фаолиятига муносиб жой топиш борасида қайғура бошлайди.

Леопольд ва Вольфганг Моцартлар доимий иш топиш мақсадида 1773 йилнинг ёзини Венада ўтказишади. Икки ярим ой Вольфганг учун доимий иш ўрни қидириш билан ўтса ҳам, ҳеч қандай натижа чиқмайди. Ёзнинг охирида Польшадаги меҳмондорчиликдан Венага қайтган император илтимос билан келган Моцартларни қабул қилиш учун вақт топа олмайди. Шу тариқа улар Зальцбургга қайтишга мажбур бўлишади.

Ҳаётдаги ушбу муваффақиятсизликлар олдида бир дақиқа бўлса-да эсанкираш нималигини билмаган Моцарт бу даврда ҳам ўз устидати-нимсиз ишлаб, юзлаб сара муסיқий асарлар яратишда давом этади. Бироқ Зальцбургдан чиқиб кетиш ва бошқа бир шаҳрдан ўзига жой топиш орзуси уни сира тарк этмайди.

Ниҳоят, 1777 йилнинг сентябр ойида Моцарт Зальцбургдан жўнаб кетади. Бу галги саёҳатда унга онаси ҳамроҳлик қилади. Гарчи бу вақтда Вольфганг ўзини эплайдиган ёшда бўлса-да, лекин ўлида ҳаёт тажрибасининг йўқлигини назарда тутган

ота-она уни ёлғиз жўнатишга журъат этмайди.

Леопольд Моцарт Фарбий Европа санъатининг энг йирик марказларидан бўлган Парижда ўгли ўз даҳосига лойиқ ўрин топади ва оламшумул шон-шуҳратга эга бўлади деб, умид қилади. Моцарт онаси билан 1778 йил 23 март кунини қайноқ ҳаёт ўчоғи Парижга етиб келади ва кичик бир меҳмонхонага жойлашади. Юксак истеъдод соҳиби Моцарт гарчи ҳар қанча ҳаракат қилмасин, муқим иш жойи топа олмайди. Бисотидаги бор пуллар эса сарфланиб, тобора тугаб боради. Бешафқат ҳаёт машаққатларига дош бера олмаган Моцартнинг онаси қаттиқ касал бўлиб ётиб қолади ва 1778 йилнинг 3 июль кунини вафот этади. "Бу ҳаётимдаги энг қайғули кун эди" дея эътироф этади у сўнградан дўстларига ёзган хатида.

Моцарт онасини дафн этгач, меҳмонхонадан отасининг эски дўсти журналист ва дипломат Фридрих Мельхиор Гриммнинг уйига кўчиб ўтади. У ерда олти ой туриб, ҳеч қандай натижа бўлмагач, ниҳоят, 1778 йилнинг 26 сентябрида Парижни тарк этади.

**Шермурод СУБҲОН**  
тайёрлади

*(Давоми кейинги сонда)*



# СЕРҚИРРА САНЪАТКОР

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, бастакор, шоир, созанда ва хонанда, муסיқали драма ҳамда опера артисти Шарифжон Акромов 1913 йилда Самарқанд шахрининг Мирзо Пўлат маҳалласида дунёга келган. Отаси Акрамжон Комилжонов босмахонада ишчи бўлса-да, санъатни жуда яхши кўрган. Шарифжон Акромовда ҳали мактабда ўқиб юрган чоғидан бошлаб саз чалиб, кўшиқ куйлашга кучли меҳр уйғонди.*

1924 йилда Мирзо Пўлат маҳалласида илк муסיқа тўгараги очилди. Бу тўгаракка Толибжон Содиқов билан Қори Сирож раҳбарлик қилдилар. Шарифжон Акромов мана шу тўгаракка икки йил қатнади. 1926 йилга келиб, «Ёш куч» артелида ҳам муסיқа тўгараги ташкил қилинди. Бу тўгаракка таниқли найчи Абдуқодир Исмоилов раҳбарлик қилди. Шарифжон Акромов мана шу тўгаракларнинг ҳар иккаласига ҳам фаол қатнашиб турарди.

Шарифжон Акромов дастлабки муסיқа таълимини Комилжон найчидан най сазини чалишни ўрганишдан бошлади. 1931 йилда Самарқанд Педагогика билим юртини тугатиб, Самарқанд шаҳар маориф уйига қарашли умумтаълим мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Шарифжон Акромов ушбу

маориф уйида дуторчилардан тўзилган ҳаваскорлик тўгарагида фаол қатнашиб, Бобо Шароф ва Қодир Авлиё каби устозлардан дуторда «Ажам», «Муножот», «Насруллои», «Қашқарчайи Ажам», «Мирзадавлат» сингари куйларни чалиш, кўшиқ куйлаш йўлларини ўрганди. Кунларнинг бирида мана шу тўгаракка машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов иттифоқо ташриф буюриб, тўгарак аъзоларининг дутор чалиб ашула айтишларини диққат билан кузатади. Шарифжон Акромов устознинг ижозати билан «Сайёра булбул» номли кўшигини куйлайди. Ёш ҳофизнинг нолали ва ширин овози Ҳожи бобога маъқул тушади ва унга алоҳида меҳр билан қараб, мақом йўлидаги кўшиқларни ўргата бошлайди. Шундан кейин Шарифжон Акромовнинг кўшиқ

куйлашга бўлган қизиқиши янада ортди. У қисқа вақт ичида халқ кўшиқлари билан бир қаторда, устози яратган кўшиқлардан анчагинасини ўрганди. Устоз Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов қаттиққўл, талабчан бўлса-да, ҳамиша шогирдларини ўзидек камтарин бўлишга, санъатни ҳурмат қилишга даъват этарди.

Шарифжон Акромов 1934 йилда ҳозирги Ҳамид Олимжон номидаги драма ва муסיқа театрида, Толибжон Содиқов раҳбарлик қилаётган ансамблга хонанда ва созанда сифатида ишга қабул қилинди ва бу жамоада у намунали тарзда, ғайрат, шижоат ва илҳом билан ижод қилди.

Шарифжон Акромов театрда ҳам ишлаб, халқ анъанавий профессионал муסיқа ва ижрочилик бўйича эл орасида анча танилган

*...ХИРМОН ТАЛИБ ТАКИЛДИ ДОН, ТАКИЛДИ ДОН, МОМО,  
ТАНДИР ТАЛИБ ЁТИЛДИ НОН, ЁТИЛДИ НОН, МОМО...*

*Пойтахтимизнинг Бобур номидаги боғида ўтказилган “Азиз қилиб синдириб бер” деб номланган тадбирга йиғилганлар боғ узра таралаётган бу оҳанглар оғушида ўзбек нонлари ва пиширилари мазаси ва гўзаллигидан баҳраманд бўлишди.*

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги, “Ўзбектуризм” ҳамда “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур байрамга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан

уста новвойлар, қандолатчилар, Республика Байналмилал маркази қошидаги турли миллатларнинг маданият марказлари вакиллари ўзларининг турфа нон ва нон маҳсулотлари, ширинликлари билан иштирок этдилар. Шунингдек, байрамга Ўзбекистон



Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов, Толибжон Содиков, Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафийлар назарига тушган эди. Шарифжон Акрамовнинг бақувват, чексиз диапазонга эга бўлган ўта ширали овозига баҳо берган мутахассислар уни "Устоз Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг давомчиси" деб атадилар. Шарифжон Акрамов ажойиб овоз соҳиби ва драматик актёр сифатида қатор спектаклларда бир-бирига ўхшамаган образлар яратиш билан бирга мусиқали драмаларга куй басталаган.

Шарифжон Акрамов таниқли шоирлар ғазаллари билан бир қаторда, ўзи ижод қилган шеърларга ҳам мусиқалар ёзди, унинг кўшиқлари бир қатор хонандалар томонидан куйланди.

Шарифжон Акрамов бир неча йил Жиззах ўзбек мусиқали драма театри директори, мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. "Тоҳир ва Зухра", "Гулсара", "Нурхон", "Беш сўмлик келин", "Аршин мол олан", "Адолат" каби йирик мусиқали драмаларда мусиқа раҳбари бўлибгина қолмай, ўзи Тоҳир, Қодир, Ҳайдар ролларини ижро этди. Шарифжон Акрамов 1955-1964 йилларда эса, яна Самарқандга, қадрдон театрига қайтиб, директор вазифасида фаолият кўрсатди. У кишининг раҳбарлик даврида театр репертуарида йирик драматик, мусиқали асарлар "Отелло", "Довул", "Оқпадар", "Ганг дарёсининг қизи", "Оқ нилуфар", "Азда ва Санам", "Равшан ва Зулхумор", "Сурмахон", "Далада бай-

рам", "Дилором", "Тўй", "Нодира", "Ҳаёт машғали", "Атласхон", "Зарафшон қизи", "Суймаганга суйкалма", "Тоға-жиянлар", "Кимга тўй, кимга аза", "Пазанда", "Тарих тилга кирганда", "Фарғона ҳикояси", "Муқимий", "Қутлуғ қон", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Тошболта ошиқ", "Кампирнинг макри" каби йигирмадан ортиқ спектакллар яратилиб, томошабинларга ҳавола қилинди.

Шарифжон Акрамов Ҳамид Олимжон номидаги вилоят театр фаолиятига, унинг репертуарини янги-янги замонавий асарлар билан бойитишга, театр жамоасини истеъдодли санъаткорлар билан мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. У театр ижодий жамоаси маҳоратини ошириш, янгидан-янги мусиқали ва драматик асарларнинг бадиийлигини кўтариш мақсадида йирик режиссёр ва композиторларни театрга таклиф қилди. У киши ўз меҳнат фаолияти даврида устоз сифатида анчагина шоғирдлар тайёрлашга муваффақ бўлди.

Шарифжон Акрамов 1964 йилдан умрининг охиригача Самарқанд Давлат опера ва балет театрида директор ўринбосари, мусиқа раҳбари, опера хонандаси сифатида фаолият кўрсатди. Умрининг охириги йилларида шу театр қошида ташкил этилган "Зарафшон" ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик қилди.

Шарифжон Акрамовга маданият соҳасидаги самарали меҳнاتини ҳисобга олиб, "Ўзбекистонда хиз-

мат кўрсатган маданият ходими" унвони берилган. Шарифжон Акрамовнинг ҳаёти ва ижодининг ибрат олишга арзигулик томонлари кўп эди. У киши узоқни кўзлар, издошларига таяниб ишлар, қийинчиликлардан қўрқмас, меҳр-мурувватли, порлоқ келажакка ишонадиган, меҳнатсевар ва меҳрибон устоз эди. Мана шу сифатлари Шарифжон Акрамовни эл-юрт ҳурмат-иззатига сазовор қилди.

Шарифжон Акрамовнинг ижодий муваффақиятларида турмуш ўртоғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Маҳкамой Нарзиқулованинг хизматлари чексиздир.

Президентимиз Ислом Каримов: «Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажакини улугламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак», деб таъкидлагандилар. Ёш ижодкорларимизни Ватанга муҳаббат, умрбоқий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш йўлида Шарифжон Акрамовдек инсонларнинг миллий санъатимиз ривожига қўшган ҳиссаси, сермазмун ҳаёти ва ижоди ҳозирги ёш авлод тарбияси учун ибрат мактаби десак, хато бўлмас.

**Ўқтам ТЎХТАЕВ,  
СамДУ санъатшунослик  
факултети ўқитувчиси**

ошпазлар ассоциацияси, меҳмонхона ва ресторанларнинг уста ошпазлари ҳам ўз маҳоратлари маҳсули бўлмиш турли нонлар ва пишириқлар, таомлари билан қатнашишди.

Айниқса, шу ернинг ўзида пиширилиб, тортиқ этилаётган куймоқ, улкан тандир шаклидаги нон, батон ва лочиралар ҳакамларни, чет эллик меҳмонларни, умуман, иштирокчиларни ҳайратга солди. Тадбирда машҳур Самарқанд нонлари, Жиззахнинг қайирма патирлари, қорақалпоқларнинг зогора,

қизил, қовоқли нонлари, Қўқоннинг жиззали нонлари, обинонлар, пиёзли, гўштли, ҳатто шоколадли нонлар намоёйиш этилди. Ташкил этилган савдо-ярмаркадан антиқа нонлар, мазали пишириқларни сотиб олган нуроний отахонлар, меҳрибон онахонлар ёшларга нон синдириб улашар экан, унинг қадри, бир бурда нон тайёрлаш учун кетадиган бобо деҳқоннинг машаққатли меҳнатлари ҳақида сўзлаб беришди. Новвойларни, иштирокчиларни "Дастурхонларинг ҳамиша тўкин бўлсин", деб

дуо қилдилар. Бу дуолар замирида эл-юртимизга омонлик, хотиржамлик ва тўкинлик тилангани билан ҳам ардоқли эди. Тадбир давомида сўзга чиққанлар ноннинг улуглиги, бугун даладарда бобо деҳқонлар галла ўрими йиғими билан машғул бир пайтда ўтказилаётган бу тадбирнинг аҳамияти ҳақида сўзлашди. Шунингдек, бу тадбир ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиши белгилаб қўйилди. Фолиблар таъсисчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**ХОНИМОЙ**



# ОМАД ЙЎЛИҚҚАН ОДАМ

*Қарийб 80 йилдан буён “Adidas” компанияси спорт оламида омадни тимсолловчи фирма сифатида машҳур. Компания тарихи 1920 йил херцогенауэрахлик (Германия) Адольф (Ади) Дасслер ўзининг илк спорт пойабзалини тиккан кундан бошланади. Унинг фикрича, ҳар бир спортчи юқори натижаларга эришиши учун шахсий спорт кийимларига эга бўлиши керак эди. Унинг бу ғояси шу қадар оммалашдики, ҳозирда “Adidas” компанияси футбол бутсилари ва баскетбол пойабзалларидан, спорт кийими ва саёҳатчилар оёқ кийимигача тайёрлаш билан шуғулланиб келмоқда.*

1924 йилга келиб, Ади Дасслер акаси Рудольф билан биргаликда “Ака-ука Дасслерлар” компаниясига асос солишади. 12 киши фаолият олиб борадиган фирмада ака-укалар кунига 50 жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарарди. Орадан чорак аср вақт ўтгач, ака-укалар йўли ажралади. Рудольф Дасслер “Puma” компаниясини очади. Ади Дасслер эса ўз компаниясини исми ва фамилиясининг биринчи бўғинларидан олиб “Адиас” деб номлайди.

1949 йилда Ади Дасслер компания тимсоли бўлган уч чизикни ўйлаб топди. Аввалига эстетик жиҳатдан ва оёқ кийими қисмларини бир-бирига бириктириш учун ишлатилган бу уч чизик кейинчалик компания тимсолига айланди. Бу билан Ади Дасслер ўз ихтироларини тўхтатмади. Бошқа компаниялардан фарқли равишда “Adidas” ходимлари доимо изланишда бўлишарди. 1954 йилда “Adidas” ходимлари ўйлаб топган тишлари ўзгартирила-

диган бутсиларда ўйин кўрсатган Германия терма жамоаси ўз тарихида илк марта Жаҳон чемпиони бўлиши Адольф Дасслер фирмасига янада кўпроқ машҳурлик келтирди. 1961 йилдан бошлаб “Adidas” спорт кийими ва тўплар ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлади. Келаси йилда илк марта “Adidas” спорт кийимларида уч чизик эмблемаси пайдо бўлди. Ора-





дан яна ўн йил ўтар-ўтмас “Adidas” кийимларида машхур уч барг пайдо бўлди. Уч барг — уч қитъадаги Олимпия кайфиятини билдиради.

Дасслер шунда ҳам ўз ихтироларини тугатмайди. 1977 йилда “Adidas” компанияси футбол бутсилари учун икки хил қалинликдаги материаллардан иборат томон ихтиро қилди. Ади Дасслер вафотидан сўнг, компанияни унинг турмуш ўртоғи, кейинчалик, 1987 йилгача ўгли Хорст Дасслер бошқарди.

80-йиллар охири ва 90-йиллар боши “Adidas” компанияси учун омадсиз кечди ва “Adidas” ўз ўрнини йўқота бошлади. Европа мамлакатлари билан овра бўлган “Adidas” вакиллари тез суръатда ривожланаётган Америка бозорини бой бериб қўйишди. 1989 йилда компанияга маслаҳатчи сифатида ташриф буюрган Роб Страссер ва Питер Мур “Adidas”нинг илгариги мавқеини қайтариш учун унинг тарихини қайтадан бошлашни таклиф этишади ва биринчи навбатда компания эмблемаси учбурчак шаклини олади. Келаси йилда эса Бернар Топи компаниясининг 80% акцияларини сотиб олади ва энди “Adidas” оилавий

компания эмас, балки очиқ турдаги акционерлик жамиятига айланади.

Орадан уч йил ўтиб франциялик бир гуруҳ инвесторлар “Adidas” акцияларининг назорат пакетини сотиб олишади ва компанияда туб ўзгаришлар рўй беради. “Adidas”да спортнинг алоҳида турлари билан шуғулланувчи бўлимлар тузилди. 1994 йилдан бошлаб Роберт Луис Дрейфуз бошлиқ “Adidas” компанияси минтақавий офислар очиш ва менежментни кучайтириш орқали “Adidas”нинг илгариги обрўсини тиклашди.

Рекламага катта маблағлар ажратган “Adidas” АҚШда бўлиб ўтган футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг расмий савдо ҳамкори бўлди. Мундиалдаги муваффақиятдан сўнг “Adidas” янги спорт пойабзаллари серияси — “Predatorni”ни ишлаб чиқди.

Компаниянинг савдо ишлари янада кучайиши оқибатида “Adidas” Бундеслига билан ҳамкорликда ёш футболчилар учун “Adidas” кубогига асос солишди. 1996 йилда “Adidas” компанияси ўзининг олдинги ва келажакдаги ютуқларини нишонлаш Олимпия ўйинлари қайта тикланганининг 100 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказди. Бу даврга келиб, 33 терма жамоа вакиллари “Adidas” компанияси спорт кийимларида мусобақаларда иштирок этишарди. Бундан ташқари Олимпия ўйинлари қаторига кирувчи 26 спорт туридан 21 тасининг расмий ҳомийси Ади Дасслер

асос солган компания эди.

Бошқа бирорта спорт компанияси бу каби ютуқ билан мақтана олмайди. 1997 йилда компания маҳсулотларини реклама қилиш учун машхур спортчилар Коби Брайан, Анна Курникова ва Дэвид Бекхэмлар билан шартнома имзолади. Франциянинг қишки спорт турлари учун кийим тайёрлаш билан шуғулланадиган “Salomon” фирмаси билан қўшилиши натижасида “Adidas-Salomon” концерни юзага келди.

1998 йилда “Adidas” спорт товарлари ишлаб чиқарувчи компаниялар ичида биринчи бўлиб Жаҳон чемпионатининг расмий ҳомийсига айланди. 2001 йилда “Adidas—Salomon”нинг соф даромади 187 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирда Жаҳон спорт хомашёлари бозорининг 15% қисми “Adidas” компаниясига тегишли.

Ҳар қандай машхурлик ва даромад манбалари ёки ихтироларнинг илдизи қизиқувчанлик. Шундай бўлмаганда, бир пайтлар ўзига бошмоқча тикиб олган одамни ҳеч ким билмасди... Эндиликда унинг номи билан боғлиқ кийимлар, пойабзаллар, спорт товарлари дунё бўйлаб кезиб юрибди. Айтишади-ку, омад эгасини излаб юради, уни англаб, фойдалана олган одамни бир умр тарк этмайди деб. Адольф Дасслерни эса омад вафотидан кейин ҳам тарк этгани йўқ...

**Рўзимурод ЭСОНОВ**  
тайёрлади.

*Энг аввало, "тағаззул" сўзи ҳақида. Шу номдаги дostonнинг эпиграфида келтирилишича, тағаззул арабий сўз бўлиб, ғазал ёки ошиқона шеърлар ўқимоқ ва битмоқ ёки ишқбозлик, ошиқлик маъноларида ҳам келади. Мумтоз адабиётшуносликда қасиданинг ишқий оҳангдаги қисмини ҳам тағаззул дейдилар. Ҳазрат Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" дostonида айтганларидек, исмлар сабабсиз қўйилмас ва "Ал-асмоу танзилу мин ас-само" (Исмлар осмондан тушади) ҳукми бунга далилдир.*

## МАҒАЗЗУЛА ҚЎМ ҚАДИМ БИЖОДИР...

"Шарқ" НМАК нашриёти томонидан чоп этилган Икром Отамуроднинг "Тағаззул" китоби ўз номига муносиб бир асар. Китоб бошдан охиригача бетакор ранглар, мафтункор жилолар, сеҳрли маънолар, дурдона ҳикматлар маҳзани бўлмиш Ошиқ "Кангул"нинг изгирублари, тўлғонишлари, руҳий завқ ва ҳайрат ҳосиласи бўлмиш шеърлардан таркиб топган.

Икром Отамурод — ҳаммабоп, тўғрироғи, оммабоп шоир эмас. Унинг шеърлари қўшиқ қилиб қуйланмаган, чунки ўзига хос залворга эга бўлган бу шеърлар оҳангларга мос келмайди. Бу шеърларни ўқиш учун алоҳида тайёргарлик талаб қилинади. Шунингдек, улардаги туркона зарб, ўзбеккона жарангни бошқа тилга таржима қилиш ҳам жуда мушкул иш, зеро, бу мусиқавийлик фақат ўзбек тилида янграмоғи мумкин. Ботин оламида нафис таассурот уйғотадиган бу тахлит мисралар ўзбек тилининг кенг имкониятларидан хабардор китобхонни туйғуларнинг шаффоф, мусаффо оламига етаклайди, уни завқу шавққа чулғайди:

*Саболар совурган гулларнинг чанги — саболар танида хилланган чошлар.*

*Канглум — соғинчларнинг синиққан ранги, канглум — соғинчлар-а сув тутган ташна.*

Сабо, совурган, соғинч, синиқ, сув сўзлари тизмаси орқали тўртликда товушлар ҳамоҳанглиги тикланган. Қайси таржимон бу туркона сасни бошқа тилга таржима қила олади?

Адабиёт назариясида сюжет дostonларнинг энг муҳим унсури, дея таълим берилади. Аммо Икром Отамурод дostonларида муайян воқеа баённи учратмайсиз, чунки у воқеабандлик, баёндан кўра туйғуларни тасвирлашни хуш кўради. Бунда нафис чизгилар идрок қилиш орқали муайян кучга эга бўладики, бу ҳолни сўз билан англамоқ мушкул. Шу сабабдан, Икром Отамурод дostonларини шартли равишда "туйғулар дostonи" дейиш мақсадга мувофиқ кўринади.


Мажмуада турли йилларда ёзилган туркум шеърлар, таржималар, шунингдек, "Узоқлашаётган огрик", "Ёбондаги ёлғиз дарахт" ҳамда "Тағаззул" дostonлари берилган. Уларнинг орасида "Тағаззул" дostonи алоҳида аҳамиятга эга. Агар "Тағаззул" китобини муаззам бир дарахтга ўхшатсак, шу номдаги дoston ушбу дарахтнинг ўқтомирини ташкил этади.

"Тағаззул" — инсоний ишқни тараннум этувчи дoston. Кўпинча инсоний ишқни илоҳий ишқ билан қарама-қарши қўядилар, аммо аслида инсоний ишқ илоҳий ишқнинг бирламчи босқичи, нисбатан моддийлашган ва содда кўринишидир. Қолаверса, инсонни севмаган одам Илоҳни севолмайди, Яратганга Яралганни англаш орқали етишади... Икром Отамурод талқинида Кангул чексиз, ҳадсиз-ҳудудсиз, зиддиятларга тўла бир олам бўлса, Тағаззул бу оламдаги энг қадимий, азалдан мавжуд Эҳром янглиғдир. Унинг деворлари Соғинч, Сабр, Сукунатдан бино бўлган:

*Тағаззул биниси ишқдан бинодир:  
соғинчлар,  
сабрлар,  
сукунатлар девори.*

Одатда, иморат бут бўлиши учун камида тўрт девори бўлиши керак. Аммо шеърятда қўлланиладиган рамзлар тилида чордевор бу маҳдудлик, чекланганлик, биқиклик тимсолидир. Ишққа бу сифатларни нисбат бериб бўлмайди. Шунинг учун Икром Отамурод тасвирида Тағаззул биниси азалдан уч девори устувор, барқарор. Тўртинчи томига ҳар бир ошиқ ўзининг "зил кетган юракнинг дарзи"дан эшик ўрнатади. Юракнинг дарзи — ташқи дунё билан ички олам ўртасидаги робита. Бунда ҳар бир ҳодиса, воқеа, ҳолат ё вазият шунчаки ахборот ёки маълумот сифатида қабул қилинмайди, балки ҳосил бўлган сезимлар кўнгил дарзидан дард билан ўтади, жонни ўртайди. "Дунёнинг қай бурчагида бир портлаш юз берса, ундан энг аввало, шоирлар қалби





дарз топади," деган экан олмон шоири Шиллер. Икром Отамурод яратган лирик қахрамонда ошиқлик ва шоирлик бир-бирига омухта. Токи бир ошиқ шоир ёки бир шоир ошиқ бу дунёда бор экан, Тағазул — Ошиқлик биноси эгасиз эмас, у жон чироғи билан бу уйга мунавварлик, ҳарорат бағишлайди, тухмат ва ғараз селобидан авайлаш учун шифтини сўнгаклари билан безайди... Фақат шуниси борки, биз кўриб-кўниккан бинолардан фарқли равишда бу деворлар - рангсиз, бўялмаган:

**Тағазул биносин ранглари рангсиз эшиги — зил кетган юрагим дарзи.**

"Рангсиз ранглари" таъбири "Маънавий Маснавий"даги бир ҳикоятни эслатади: Рум меъморлари ва Чин наққошлари баҳслашиб, ўртада бир парда тортган ҳолда иморат қуришга киришади. Чин наққошлари Монийни ҳайратлантирадиган даражада дунёдаги барча мавжуд ранглardan маҳорат билан фойдаланиб, қуёшнинг фалакдаги ҳаракатига қараб турлича товлана-товлана зеболиги билан кўзни қамаштирувчи бир иморат қурадилар. Рум наққошлари эса бирор рангни ишлатмасдан, иморатнинг ҳар бир тошига кўзгу каби шаффоф бўлгунча сайқал берадилар. Фурсати келиб, пардани ўртадан кўтарганларида, вожаб! Иккита бир хил иморат халқнинг кўз ўнгида гавдаланади - Чин наққошлари яратган иморат Рум меъморлари яратган кўзгу-иморатда ўз аксини топгани. Иккала бино шу даражада сирли-синоатли, нафис, муҳташам ва гўзал қилиб яратилган эдики, барча томошабинларни ҳайрат ва таажжуб уммонида ғарқ этади. Холис ҳакамлар узоқ мунозарадан сўнг голибликка Рум меъморларини муносиб деб топишади. Румий бу ҳикоят билан кўнгил кошонасини мусаффо айлаш буқаламун дунёнинг турфа товланишлари моҳиятини англашнинг энг мақбул йўли сифа-

тида талқин қилади. Икром Отамурод бу ҳикоятдан хабардорми-йўқми, бизга қоронғу, аммо ишқдек покиза неъмат жодасида кўнгил уйини пок айлаш бобида Сўзнинг илоҳий эканлигига имон келтирган барча шоирлар — "кангул фуқаролари" маслакдошдир:

**Тағазул кўп қадим бинодир, зотан,  
меъморлари — кангул фуқаролари.  
Ишққа дохил суяги сурмаларга тан —  
жисмимда ниш отган ишқ яролари...**

Тағазул биноси меъмори энг аввало, соғинч деворини тиклашга тушади. Соғинчнинг пойдевори эса, дийдордан сўнг кўнгилда пайдо бўлган ҳайрат ва иштиёқдир. Ҳайрат, Фаҳриддин Розий фикри бўйича, икки хил бўлади: Ақл ҳайрати ва Қалб ҳайрати. Инсон тафаккури билмаган нарса олдида ожиз қолганда ҳосил бўладиган туйғу ҳайрат деб номланади. Аммо бу нарсанинг моҳияти ақл воситасида анлангандан сўнг бу ҳайратдан ном-нишон қолмайди. Масалан, замонавий фан-техника ютуқлари дастлаб одамларда ҳайрат уйғотиши тайин гап. Лекин бу нарса кундалик турмушда кенг қўлланганидан сўнг ўзининг сирли жозибасини йўқотиб, оддий юмушга айланиб қолади. Қалбда ҳосил бўлган ҳайрат эса, аксинча, кундан-кунга юксалиб, зиёда бўлиб бораверади. Гўзаллик, нафосат, поклик, беғуборлик, шайдолик, маъсумлик, меҳр... борингки, қалб мулки бўлган барча сезим ва туйғуларнинг сирли-синоатли олами асрори очилавергач, ҳайрат янада нурланиб, қувват олади, шу пайтгача керакли ва жуда муҳим кўринган бошқа нарсалар қиймати чилпарчин бўлади. Кўнгилнинг сирлилиги, жумбоқчилиги ҳам ана шунда:

**Ҳолу ҳолотимда қатламу қатлам  
ҳажр сиёҳидан битилган тасвир.  
Эй мастона канглум, бу нечук матлаб,  
фақат кангул билан анланувчи сир?!**

Икром Отамуродни ижод аҳли орасида "Кангул шоири" деб билишади. Ҳақиқатда, "кангул", "дайро", "эктвор", "ройиш", "қурбат" каби бошқа шоирлар шеърида кам учрайдиган, айримлари "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ҳам топилмайдиган сўзлар фақат ва фақат Икром Отамуроднинг ижодига хос. Шоирнинг ўзи яратган бу сўзларнинг асосий қисми энг нозик, энг инжа туйғулар, кўнгилнинг қат-қатламида вужудга келадиган ҳиссиётларни баён этиш натижаси ўлароқ вужудга келган.

**Олимжон ДАВЛАТОВ,  
Тошкент Давлат шарқшунослик  
институтини тадқиқотчиси**

Azim SUYUN

(«Nevaralarim uchun hikoyalar» kitobidan)

# ALQORLARNING CHO‘PONI



Nevaralarim!

1954-yilning kuzi.

Bodomchali qishlog‘idan kelgan ikki havaskor ovchi va Dehqonboy bobom mulla Suyunni hol-joniga qo‘ymay ovga undadi. Mulla Suyun istar-istamas hangi eshagiga mindi. Men ham boraman, deb turib oldim. Maqsadimga erishdim. Ular bilan yo‘lga tushdim. Alqor ovi qiziq-da, axir! Bundan tashqari men o‘ta hangomatalab bolaman. Ovga ishtiyoqmandman. Alqorlarga, kakliklarga ishqibozman.

Havo salqin. Tog‘ o‘rmoni junjikkandek, nimadandir xavotirga tushgandek. Do‘lanalar, itburunlar, uchqatlar mevasi nam tortgan. Archalar vazminlashgan. Darag‘kamar bo‘ylab ketgan yong‘oqzor barglari turli tusda: yashil, sariq, qo‘ng‘ir... yuzlari xoldor. Ular soyni to‘ldirib yuborgan. Shu bois suvlar sizilib oqadi. Sizilib oqqan suv tip-tiniq.

Beshbarmoqota qoyalariga yaqin joyda to‘xtadik. Shig‘il mevali katta qizil do‘lana ostida o‘rnashib oldik. Bu yerdan alqorlar chiqadigan qoyalar yaqqol ko‘rinib turadi. Ovchi bobolarimning niyati shu yerdan turib ov qilish.

Hali quyosh chiqmagan. Ammo ovchilarning ko'zlari katta qoyada. Men ham unga tikilganim tikilgan. Alqorlarni, albatta, men birinchi bo'lib ko'rishim kerak. Shunday bo'ldi ham. Ko'p o'tmay oftob nurlari tog' ortidan qoyalarni shu'lalantira boshladi.

— Ana, alqor chiqdi, katta qo'chqor ekan, — dedim hayratimni yashirolmay.

Haqiqatan ham, qo'chqor qoyada sergak, bel bo'lib turardi. U biz turgan tarafga mag'rur ko'z tikdi. Ammo hech narsani payqamadi.

Asosiy ovchi Dehqonboy bobom sekin o'rnidan yarim turdi. Sheriklariga “qimirlamanglar, men boraman” ishorasini qildi. Shunda, kutilmaganda katta otam mulla Suyun ukasi Dehqonboyga shivirlab maslahat berib gildi:

— Dehqonboy, — dedi u, — bu qo'chqor go'shtini uvol qilma. O'qni qo'chqorga otma, yoniga ot. Shunda alqor qoyadan o'zini pastga tashlaydi. Yoningga tushadi. So'yib olasan. Axir otib, go'shtni buzib nima qilasan?

Bu gap mergan bobomga ma'qul keldi shekilli, “xo'p” ishorasini qildi va deyarli emaklab qoya tomon ilgarilab ketdi.

O'q gumbirladi. Kutilganiday qo'chqor jon holatda bir sakrab, o'zini pastga otdi. Havoda muallaq kelar ekan, chaqqonlik bilan burama shoxlarini — boshini aylantirib pastga qaratib oldi. Va boshi bilan bir zarbda yerga urildi. Dara jaranglab

ketdi. Hamma bir zum tek qotib qoldi.

Voh... Qizig'i bu yoqda bo'ldi. Dehqonboy mergan o'ljasi tarafga chopganida... qo'chqor sakrab turib, dara enishi bo'ylab yelday yugurib ketdi!

Mulla Suyun qah-qah otib yubordi.

— Dehqonboy, yugur, chop-chop mergan, — dedi u baralla. Havaskor ovchi sheriklar nima bo'lganini hali anglamay lol-u hayron.

Nevaralarim!

O'sha kuni katta otam Suyun bilan qishloqqa qaytib kelib qo'ydik. U yo'lda kelayotganimizda menga:

— Buni bilardim, bolam, qo'chqor alqorni aytayapman, uning tirik qolishini bilardim. U alqorlar suruvining boshchisi, to'daboshisi edi. Agar otilganda suruv yo'lboshchisiz qolardi. Shundoq ham urush tufayli (ikkinchi jahon urushi nazarda tutilmoqda) sanoqli qolgan suruv sochilib ketardi... Sodda Dehqonboy bobongni bir bopladikda, — deya kulib-kulib o'zidan mamnun-mamnun gapirib keldi.

Bugun bobom dunyoda yo'q. Ammo o'tib ketgandan keyin ham uning tengdoshlari, o'sha havaskor ovchilar “Mulla Suyun katta ilm egasi bo'lishi bilan birga tovdagi alqorlarniyam cho'poni edida”, deya menga ko'p bor gapirishgan.

Nevaralarim!

Agar ishonsangiz, mulla Suyunning ushbu odat-u xislatlari keyinchalik menga o'tib qolganligi rost.



## ИЖОДИМ ТАЈУДА ТАТУРСАМ

*Қашқадарёнинг баланд тоғлари орасида қадимий Филон қишлоғи жойлашган. 1989 йили шахрисабзлик рассом Абдунаби бошчилигида бир гуруҳ рассомлар билан ана шу қишлоққа ижодий сафарга борган эдик. Эски масжид тагидан чиқётган булоқ бутун қишлоқни зилол сув билан таъминлайди. Унинг суви дарахтлар танасидан ясалган*

*“тарнов” орқали бутун қишлоқни айланиб чиққан. Тоғ қишлоғининг уйлари ўзига хос, бетакрор, зич ва ёнма-ён, устма-уст, қаватма-қават қурилган.*



Қишлоқликларнинг асосий тирикчилиги деҳқончилик. Айниқса, Филон картошқасининг бетакрор таъми жуда машҳур. Қишлоқда сув тегирмонлари ишлаб турибди. Қишлоқ аҳли жуда аҳил, янги оилаларга дарров ҳашар билан уй қуриб беришади. Аёлларининг гўзалликда тенги йўқ. Уларнинг ёрқин либослари мисли камалакдек товланиб туради.

Мана йигирма икки йил бўлдики, деярли ҳар йили Филон қишлоғига бориб тураман. Унинг бетакрор гўзал табиати ва халқи мени ҳамиша ўзига ром этади. Бу қишлоқнинг барча фассларини юзлаб асарларимда тасвирладим. Уларнинг кўплари юртимиз ва хориж музейлари, галереяларида сақланмоқда.

Филон мен учун битмас-туганмас ижод манбаидир.

**Муҳаммадиёр ТОШМУРОДОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси



— Ота, энди қишлоққа кўчсак ҳам бўлар.

— Кўчиш қочмас. Бор, молларга қараб кел. Отларни камардан яқинроққа олиб келиб боғла.

— Қўйинг, ота, шу ишингиз менга ёқмаяпти. Негадир юрагим гаш.

— Ақл ўргатма. Айтганимни қил.

— Ҳамма қишлоққа эниб кетганига ҳафтадан ошяпти. Биз ҳали тоғда...

— Сенга нима дедим. Бор! Милтигингни олвол. Жондор бўлиши мумкин.

— Бир нима деса бақириб берасиз. Эрта-индин қор тушиб қолса, ундан ёмони йўқ. Ҳавонинг авзойини қаранг.

— Сўз берганман, устидан чиқмасам, ким деган одам бўлман, ўғлим. Қуруқ қўл билан қишлоққа... Э, бор-э, ишингни қил. Сен буни тушунардидинг...

— Бунақада совуқда қолиб, саргардон бўлишимиз қолувди,— Сардор ён тарафдаги ёғоч қозиққа осиглиқ турган милтиқни юлқиб олиб, жаҳл билан чиқиб кетди.

— Шу тилсиз маҳлуқ билан қасдлашиб нима топаркан...

Юзи қуёшда қорайган, елкалари кенг, гавдаси бесўнақай бўлса-да эпчил, пешонасини рўмол билан чандиб, устидан қишин-ёзин телпак кийиб юрайдиган Қодир чўпон фонус хира ёритиб турган, тўрт девордан иборат томчасидан ташқарилади. Қўй-қўзилари тошдан тикланган ҳайҳотдек қўрага қамалган, яқинда тугилган кўзичоқлардан бири энасини излаб маърайди. Қўйлар ҳам нотинч — бир офатнинг бошланишини сезгандай дам-бадам ҳуркиб, уюм бўлиб турар, атрофга жовдираган кўзлари тун қоронғусида ёнарди.

Зим-зиё тун. Ёнингдаги одамни кўриб бўлмайди. Милт этган юлдуз йўқ, изгирин совуқ бошланган. Шамол қибладан.

«Бир бало ёғади. Ишқилиб қор тушиб қолмасин-да. Шундан сўнг молларни қишлоққа олиб тушишнинг азобини кўравер... Нима бўлгандаям охири бахайр бўлсин».

## Салим АБДУРАҲМОН

Чўпон бидирлаганча елкасини эшик гардишига қўйиб, кўзларини қоронғуликка тикди. Қулоғига орқа тарафдаги булоқ сувининг шилдираши чалинди. Эсини танибдики, шу кўра, шу булоқ унга қадрдон. Ёшлигидан отасининг ортидан қолмай юрар, мол боқишга, овчиликка қизиқарди. Кўклам чиққандан отаси молларини ҳайдаб, шу кўрага кўчиб келарди. Ўзлари яшайдиган қишлоқ бундан ўн беш чақиримча қуйида эди. Бу жойларга фақат яйлов дардида чўпонлар кўчиб келар, қишга яқин яна уйларига қайтишарди. Дам олиш



# ТЮҶ ОДАМИ

кунлари акаларига йиғлаб туриб олар, натижада, улар уни бу ерларга олиб келишга мажбур бўларди. Бундай пайтда қувончи ичига сиғмас, отасининг ортидан қолмай баланд қояларга чиқишга қизиқарди. Уйдан туриб, бу қояларга тикилганча хаёл сурарди. Осмонни шу қоялар тугиб турган бўлса керак... Лекин бу қояларга ҳам чиқди. Узоқ-узоқлардаги бундан-да баланд қояларга кўзи тушиб, ўйга толарди. «Осмоннинг ҳақиқий устунни ўшалар бўлса керак...»

Аста-секин улғайди. Ҳамма нарсага ақли ета бошлади. Ҳа, болалик қизиқ давр экан. Дунёдаги ҳамма нарса кўзига сирли туюларди. Тагига етишга ҳаракат қилар, отасини турфа саволлар билан кўмиб ташларди.

— Бу тоғлар қаердан пайдо бўлган?

— Худонинг қудрати, болам.

— Худо ким?

— Миржалол раисдан фарқли, ҳаммани бошқарадиган одам.

— Қандай бошқаради?

— Ҳали ёшсан, болам. Катта бўлсанг, тушуниб етасан.

Ўшанда ёш бола бўлганига аф-

сус қилиб кетар, отасига зимдан ҳавас қилар, бу тоғларнинг сир-синаотини тушунади, деб ўйларди. Тезроқ вояга етишни, ҳамма нарсага ақли етишини истарди. Шу истакда улғайди...

Мактабда ҳам аъло баҳога ўқир, устозлари, тенгқурлари ўртасида ҳурмати ҳам шунга яраша эди. Лекин бир сафар математика ўқитувчиси билан... Ўшанда ҳам гурури устун келиб, ўқишни бутунлай ташлаб, чорвага берилганди.

Эслайди, олтинчида ўқирмиди... Шу йили мактабга янги келган ёш ўқитувчи доскада мисол еча туриб, жавобини чиқаролмай шошиб қолади. Сал аввал ечиб бўлган Қодир, устоз, у йўл биланмас, манави йўл билан ечилади, деб дафттарини кўрсатади.

— Сендан сўрамадим қандай ечилишини, — ўқитувчиси терслик билан жавоб бериб, бошқа мисолга ўтиб кетади.

— Сизнинг қўлингизда ўқигандан кўра, мол боққаним бўлсин, — дея у дарсдан чиқиб кетади.

Икки акаси ўқиб, ҳозирда шаҳарда нуфузли олийгоҳларда

дарс беради. Отаси унинг ҳам ўқиб, катта одам бўлишини истаган, лекин ўша воқеадан сўнг «ўқиган шундай бўлса, ўқимганим бўлсин» деган жавобни олгач, индамай кўйганди.

Икки ҳафтача бурун тоғда қўнғир бўри пайдо бўлганди. Кимнингдир дайди ўқиға дучор бўлган шекилли, бир қулоғи осилиб қолган. Шунинг учунми, чиноқ бўри деган ном олган. Баъзилар бугун бу дарада кўрса, эртаси тўрт беш чақирим наридаги дарада бошқа биров учратганини айтади. Одамлар билан гашиққан шекилли, тез-тез қўйларини қийратиб кета бошлади. Айниқса, Ғози чўпоннинг гапи ҳаммани кўрқитиб қўйди. Тоғдан эшакда бир ўзи келаётганда олдида чикиб, ташланибди. Ҳалиям қўлидаги милтиғи ўқланган экан. Шартта тўғрилаб, отибди. Не тасодиф, ўқ отилмай қолган, бўри зумда ғойиб бўлган. Чиноқ бўри ҳақидаги миш-мишлар болалаб, ҳамма кўрқувга тушди. Тезда қиш тушаётганини баҳона қилиб, қишлоққа эниб кета бошлашди. Икки кун бурун Қодир чўпон ҳам қолган уч-тўрт қўшнилари билан қайтишга тайёргарлик кўра бошлаганда, кечаси чиноқ бўри ҳовлисидаги отаридан бир неча совлиқни бўғизлаб, бирини олиб кетганди. Дарҳол қолган чўпон-чўлиқлар йиғилгач, у жаҳл устида — бўрини тутиб, терисини шилиб, уйимнинг остонасига обориб тўшамагунча қишлоққа кўчмайман, — деб сўз бериб кўйганди.

Тоғ одами мард келади.

Бир гапни айтдим — қайтиш йўқ!

Сўзидан қайтган — ўзлигидан қайтган билан тенг!

Кун бўйи уни излаб тоғма-тоғ изгиди. Бўри макон тутиши мумкин бўлган ҳамма адирни текшириб чиқди. Баъзи жойлардаги бўрининг панжа изларидан бўлак ҳеч нарсани учратмади.

Тоғни тоғлик яхши билади.

Қайда ўнғир бор, қайда жарлик! Лекин бўри қавми ундан-да яхши билади. Хавфни олдиндан сезиб, бошқа жойдан макон топишга улгуради.

Ташқарига милтилаб тушиб турган фонус ёруғида нимадир жимиради. Хаёли бўлинди. Эшик раҳига тиралиб турган кафти ҳўлланганини ҳис этди. Сергакланиб, атрофга аланглади. Бир ҳолатда туриб қолганини кўриб, «хаёл курсин» дея гўдранди. Кафтини очиб, қўлини ташқарига тутди. Кафти тезда ҳўлланиб қолди. Эътибор бериб қаради. Жимираб нимадир ёғарди. Ёмғир. Синчиклаб кузатди. Йўқ ёмғир эмас. Қор... Қор зумда тезлашиб, шивалаб ёға бошлади. Бадани жунжикиб кетди. Энди қандай қилиб қишлоққа эниб олади...

— Сардор, — бақириб юборди. Тун сукунати ичра баланд қоялар узра овози аксадо берди: «Сардо-о-ор...»

Бўғиқ товушини шамолнинг увиллаши ютиб юборди...

Изғирин совуқ авжигача чиқди. Очиқ эшикдан қор учиб кириб, остонани ҳўллаб ташлади.



Қодир чўпон эшик тутқичидан ушлаб ёпиб, орқаси билан суянди. Совуқ юз-кўзини аёвсиз чимчилар, борган сари азойи-баданини зирқиратарди. Шундагина бир оз ўзига келиб, эгнига разм солди. Юпун кийимдалигини англади. Ичкари кирди. Пахталигини шошиб кийиб, отасидан мерос чакмонни эгнига илди...

Тошқўрадан бошини чиқариб, мўралади. Қўйлар қатор ти-

зилиб, бурчак-бурчакка тиқилиб олган, эчкилар совуқ ўтганидан аччиқ маърарди. Нима қилиш керак. Боши қотганидан жойида туриб қолди. Моллар қирилиб кетмаса, гўргайди. Ишқилиб қор эртароқ тугасин-да.

Лекин ўчакишгандай қор баттар авж қилар, атрофдаги бодомларнинг шохларини силкитиб ўйнаётган изғирин гув-гув деган овоз чиқарди. Эчкилар инграндай маърай бошлади. Қўйлар ҳам жўр бўлиб қўяр, шамол ерга тушган қорни ҳам тинч қўймай супириб, бурчак-бурчакка — қўйларнинг устига ёпириб ташларди.

Рухи тушиб, томчасига қайтди. Нима бўлса бўлди, дегандай қўлини асабий силкиб қўйди. Чакмонни ечиб, устига ёпди-да кўрпачага чўзилди. Совуқ борган сари авж қилиб, туйнуқлардан изиллаб кирар, юз-кўзини чимчилаб ўтарди. Телпагининг қулоқчинини тушириб, бостириб кийди. Қизариб кетган қулоқлари бир оз илигандай бўлди. Кафтини кафтига ишқаб, куфлай бошлади. Музлаб қолган қўлларига бир оз қон югурди. Ўзини бир оз чалғитиш мақсадида яна болалик хаёлларига берилди. Совуқданми, отасини эслаганиданми кўзларидан ёш юмалаб, кафтига тушди...

Ўшанда катта опаси ўғилларига суннат тўй қилаётганди. Айни мактабдан кетган вақтлари. Уч ойдан ортиқ вақт ҳам ўтган. Ёзнинг ўрталари. Ота-бола тоғдан қизил биясининг яқингинада бир ёшга тўлган боласи — саман қашқа тойчоқни ушлаб келиш учун, шошилинич йўлга тушишди. Чунки эртага тўй. Отаси кечадан бери отларни тоғдан тополмай хуноб. Унинг биринчи бор юксакликка кўтарилиши эди. Қанчалар орзу қиларди-я бу тоққа чиқишни. Ўнқир-чўнқир сўқмоқ йўллардан баландга кўтариларкан, бақиргиси, юғуриб

ўйнагиси келарди. Қани унинг чўққига чиқаётганини дўстлари — Зариф, Нодир бир кўришса... Шу пайтда унданда бахтиёр одам йўқ эди. Лекин отаси кўлидан маҳкам ушлаб олган, ўзидан ажратмасди. У эса бу кенгликларга сизмай, қийқирмоқчи бўларди...

Тўсатдан оёқ остидан какликлар галаси кўтарилар, у ортидан ҳавас билан тикилиб қоларди. Отасида милтиқ бўлса-да отмасди. У ҳайрон бўлиб сўраганда ҳозир курк вақти, отиш увол, дея жавоб олганди. Ота-бола Бешбармоқота чўққиларига кўтарилганда қуёш ҳам Ғарб томон оққан, кун чошгоҳдан ўтаётганди. Иккиси бироз нафас ростлашди. Тоғнинг орқа тарафида ҳам қишлоқлар ястаниб ётганини кўриб, унинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Демак, бу жойларда ҳам бизга ўхшаган одамлар яшарканда...

— Бу қишлоқда тожиклар яшайди, — деганди отаси ўшанда. — Анави туман — Айдаркўл. Узоқдан туман бўлиб кўринади. Анави эса ғор...

Бундай гўзалликка маҳлиё бўлиб тикиларкан, кўзларида гайрат жилваланарди. Тарвақайлаб кетган арчалар, турфа шаклдаги баланд қоялар, ҳар хил гиёҳ ўтлар... Бешбармоқота ҳам узоқдан кичкина кўринаркан. Отаси бир ўтни юлиб, буни қишлоққа борганинда Козим бованга обориб бер. Бодига даво, дедеи. Қоронгу тушгунча излашди. Отлардан дарак йўқ. Отаси негандир ғамгин эди. Унинг ҳайрон қараганини кўриб: «Одамларга неварамга той атаб қўйганман деганман. Тўй куни етаклаб бормасанг — ҳисоб эмас. Тополмасак ким деган одам бўламан, ўғлим», деганди отаси. Сўзнинг қудратига ўшанда лол қолганди. Отасидек зўр одамни ҳам мунгайтириб қўйди-я. Охири умидсиз қайтишаётганда узоқда отлар галасига кўзи тушди...

Кафти билан юзини силади. Юзи ҳўлланиб, музлашга ҳам улғурибди. Ёстиқ ҳам нам, муздек.

Шундагина кўзларидан шошқатор ёш оқаётганини илғади. Сергакланиб, атрофга қаради. Фонус ҳамон хира ёритиб турарди...

Яқингинада бўри увлади. Чўпон сергак тортди. Осиглиқ турган милтигини кўлига олиб, ташқарига отилди. Кўранинг орқасига шошилди. У жойда зовур бор эди. Ҳар эҳтимолга қарши деб шу зовурни қазиб қўйганди. Мабодо бирорта йиртқичнинг отарга оралаш хавфи бўлса, шу зовурга тушиб пойларди. Баъзан хавфдан беҳабар йиртқич ўққа дучор бўларди...

Бу совуқда жондор отарга оралайди деб ўйлади у. Бугун уни отиб аламимдан чиқмасам, одам эмасман. Унинг касофатига қорға қолиб ўтирибман. Отарни ҳам қийнаб қўйдим. Сўзимнинг устидан чиқар пайт келди.

Бўри яна увлади. Бу сафар шундоқ кўранинг биқинидан эшитилгандай бўлди. Демак, яқин келиб қолди. Бугун жанозанг ўқилади, шивирлаб қўйди у зовурга йиртқич сезиб қолмасдан тезроқ тушиб олишни ўйлаб қадамини тезлатаркан, пичирлади: «Келавер! Келавер! Ажалинг етди!»...

...Сардор қир ортидаги отларни ечиб, тошқўранинг ёнига боғлаганда, уйда ҳамон фонус хира нур сочиб турарди. Секин яқин келди. Ичкарида ҳеч ким йўқдай сокинлик ҳукм сурарди. Энди кирмоқчи эди, отасининг қисқа йўталгани эшитилиб, жимиб қолди. Ухлаб қолибди, ўйлади у. Кун бўйи тоғма-тоғ юриб чарчаган. Кирсам уйғониб кетиши мумкин. Қор ёққанидан ич-этин тирнаб, базўр кўзи илинган бўлса керак. Дарди ичида отам бечоранинг! Дам олгани маъқул.

Сардор кўра томон одимлади. Қўйлар бир-бирининг пинжига тикилиб, эчкилар уларнинг остига кириб кетган, кўзлари жовдираб, маърарди. Жаҳдан кўзлари қинидан чиққудай бўлди. Қўллари қалтираб кетди. Шу вақт бўрининг увлаган овозини эшитди-ю... Ўзича гапиринди:

— Бугунги изғиринда жондор изғийди. Отиб, бошига етмагунча отамни бу жойдан қимирлатиб бўлмайди.

Боя гап қайтариб ранжитганига ичдан пушаймон эди у. «Отамни уйғотиб ўтирмайман. Жондорнинг терисини шилиб, кутилмаган совға қиламан!» Милтиқни маҳкам чангаллаб, тошқўра панасида кута бошлади. Жондор яқингинада увлади. Қоронғуликка ўрганган кўзлар ўттиз қадамча наридан қора кўланканинг яқинлашаётганини илғади. У тезлик билан кўра деворига пусиб келарди. «Айёр махлуқ, шумлигинг бошингга етади энди». Шивирлаб, эҳтиёткорлик билан милтиқни тўғрилади. Тезроқ отмаса қўлдан чиқариб қўйиши мумкин. Ишқилиб мўлжалдан адашмасин. Биргина шу жондорни ўлдирса, отасини елкасидаги юкдан холос қилади... Тепкини қандай босганини билмай қолди.

—А-а-аҳ, — бўри инсонлар каби овоз чиқариб қулади. Сардор шошиб қолди. Тош деворга осилди-ю нариги тарафга гурсиллаб ағдарилиб тушди. Қаддини ростлаб чопди. Типирчилаб ётган қорага етиб бориб, инграб юборди.

Қодир чўпон осмонга тикилганча ётар, кўксидан қон оқарди.

— Ота-а-а!!!

Изғирин шамол Сардорнинг овозини олис-олисларга олиб кетди...

Бу вақтда бўрининг увлаган овози тобора узоқлашиб борар, совуқ анча пасайиб, қор тўхтаганди. Паға-паға булутларга қоп-қора қўрқинчли тус бериб, ой ҳам кўринди. Узоқ-ёвуқ юлдузлар ҳам кўзга ташлана бошлади. Шамол парчалаб юборган булутлар орасидан чарақлаб бир юлдуз кўзга ташланди. У милтмилт этди-ю, бирдан ойдан-да ёруғроқ нур таратиб, шиддат билан пастга шўнғиди. Шу аснода аста-секин сўниб, уфққа сингиб кетди...



# ШУ ЮРТ УЧУН

Боймат Ҳасанов Кўшрабонтнинг тоғларга туташ қишлоқларида ўсиб вояга етди. Санъатга қизиқишми, тақдирми уни Тошкент маданият техникумига, сўнгра Жиззах Давлат педагогика институтининг муסיқа факултетига ўқишга бошлаб келди.

Ўқишдан сўнг меҳнат фаолиятини дастлаб у Арнасой тумани маданият уйи бадиий раҳбари вазифасидан бошлади. 1997 йилдан бошлаб "Ўзбекрақс" бирлаш-

масининг Жиззах бўлимида, вилоят мақом жамоасида, "Жиззах ашула ва рақс ансамбли"да фаолият олиб борди. 2006 йилдан бўён Жиззах вилояти Маданият

*Ангрен шахрининг фахри ҳисобланган етакчи спорт клубларидан бири "Қаҳрамон" миллий спорт клубидир. Ун бир йилдан бери "Тажвон-до ИТФ" йўналиши бўйича "Қаҳрамон" миллий спорт клубини табиатан босиқ, хушмуомала, янгиликка интилувчан, тиришқоқ, изланувчан, шогирдларига ота каби меҳрибон, шу билан бир қаторда талабчан инсон Қаҳрамон Сатторов бошқариб келмоқда. Қаҳрамон ака Ангрен шаҳар "Ўзбек жанг санъати" федерацияси президенти, қора белбоғ 5 ДАН соҳиби. "Қаҳрамон"нинг қаҳрамонлари шу кунга қадар нафақат шахримизда, вилоятимизнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишиб, юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Клуб аъзолари шаҳар, вилоят ҳамда республика тадбирларида "Мустақиллик" ва "Наврўз" умумхалқ байрамларида фаол қатнашади.*



## “ҚАҲРАМОН”НИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Клубда ҳозиргача 100 дан ортиқ спортчи, 20 дан ортиқ мураббий етишиб чиқди.

Жумладан, Москва шаҳрида 2000 йилда ўтказилган халқаро турнирда Алексей Забуген ҳамда Богдан Ким, 2001 йил Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда Нуриддин Қаюмов, 2002 йил Москва шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Шоҳруҳ Ўрмонов, 2006 йил

Тошкент шаҳрида Амир Темур кубоги учун ўтказилган халқаро турнирда Сардор Ўринбоев, Фарангиз Ақилхонова, Отамурод Ҳунаровлар голиблик шоҳсупасидан ўрин эгаллаб, олтин медалларни қўлга киритишди. Сардор Ўринбоев, Ҳасан ва Ҳусан Бойназаровлар ва Фахриёр Марафиқовлар жаҳон чемпионати голиблари. 2006 йил Тошкент шаҳрида кик-боксинг бўйича ўтказилган жаҳон чемпио-

натида клуб спортчиларидан беш нафари иккита олтин, битта кумуш, иккита бронза медалларини қўлга киритишган.

2006 йил мазкур клубнинг фахрли аъзолари ва мураббийи Ангреннинг 60 йиллик юбилейида шаҳар ҳокимининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланишди.

2007 йил II Амир Темур халқаро турнири анъанавий тарзда ўтказилиб, унда ҳам клуб аъзолари ижобий натижаларни қўлга киритдилар. 2008 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Садоқат Алманова жаҳон чемпиони бўлди. Мадина Эргашева 2009 йилда Россиянинг Сочи шаҳрида халқаро турнир голиби, шунингдек, Достонбек Сатторов, Фаррух Му-



ва спорт ишлари бошқармасига қарашли Академик ва халқ бадий жамоалари дирекциясининг раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда.

Боймат ака қайси лавозимда ишласин, ёшларга гамхўр устоз, фидоий ва меҳнаткаш, ташаббускор бўлиб ўзини кўрсатди. Республика ва вилоят миқёсида ўтказиладиган барча маданий-оммавий байрам тадбирларида ўз жамоаси билан фаол иштирок этиб келади. Вилоятда ўтказилган умумхалқ байрамлари мазмундорлигини ошириш мақсадида ҳар йили ўз таклиф ва янги

дастурлари билан чиқади.

Санъаткорнинг бугунги кунда ўттиздан ортиқ шогирдлари бор. Устоз ўғитлари билан ўз иқтидорларини намойиш этаётган шогирдлари бир неча танловларда фаол иштирок этиб келишмоқда.

Боймат Ҳасановнинг ўнлаб қўшиқлари Ўзбекистон радиосининг олтин фондидан жой олган. Унинг Сайёра Тўйчиева, Қ.Синдоров, Азим Суюн, Шарифа Салимова шеърлари билан айтиладиган қўшиқлари ўз тингловчилари қалбини забт этиб улгурган.

У оилада ҳам, маҳаллада ҳам, ўз жамоасида ҳам эъзоз топган санъаткорлардан. Яқинда мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб янги концерт дастури тайёрлаб, вилоятнинг туманларида, қишлоқларида тингловчиларга намойиш этди. Боймат Ҳасановга "Муסיқа санъатимизнинг ривожини йўлидаги самарали меҳнатларингиз бардавом бўлсин", деб тилак билдираимиз.

**Азамат ФАЙЗУЛЛАЕВ**  
тайёрлади

ҳамматов, Шокир Масимовлар беш карра Ўзбекистон чемпиони бўлдилар.

“Ўзбек жанг санъати” федерацияси Ангрен шаҳар президенти Қаҳрамон Сатторовнинг саъй-ҳаракатлари билан икки йилдан буён мазкур спорт тури бўйича ҳам 16 нафар Ўзбекистон чемпионлари етишиб чиқди.

Шогирдлар ардоғидаги устоз, клубнинг жонкуяр раҳбари Қаҳрамон Сатторовнинг бу хизматлари 2002 йилда Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси томонидан юксак баҳоланиб, I даражали Диплом билан, шунингдек, мустақилликнинг 18 йиллиги арафасида “Фахрий ёрлиқ” билан тақдирланди.



26-27 апрель кунлари Республика миқёсидаги “Ўзбек жанг санъати” бўйича 9-21 ёшлилар ўртасида “Амир Темура кубоги” учун Қашқадарёда ўтказилган қизгин мусобақаларда “Қаҳрамон” миллий спорт клуби аъзолари ҳам иштирок этишди. Натижада клуб аъзоларидан Асадбек Қодиров, Отабек Қодиров, Отабек Полвонов ҳамда Исмоил Ибрагимовлар фахри 1-ўринни эгаллаб Олтин медал соҳибига айланган бўлсалар, Фаррух Машарипов ҳамда Умида Комилов

валар 2-ўринни забт этиб, кумуш медалларни қўлга киритишди.

Ўз фаолиятини спорт соҳасига бағишлаган бу фидоий инсон ҳамда унинг жаҳон, Осиё, халқаро турнирларда ғолиблик шохсупасидан ўрин олган шогирдлари Ўзбекистон байроғига, Ватанига, Президентига содиқ, жаҳон ареналарида жон фидо қилувчи, “Элим, юртим деб ёниб яшовчи”, буюк давлатимиз олдидаги фарзандлик бурчини астойдил бажарувчи комил инсонлар, деб ишонч билдираимиз.

**Муҳаббат**  
**АБДУҚОДИРОВА**

*Илк шоир ким, биринчи шеър қачон ёзилган? Бу каби саволларга жавоб бериш душвор. Бироқ шеър инсон эҳтирослари жўш урган, туйғу ва тушунчалари ҳайратдан қайнаб тошган бир пайтда вужудга келганига шубҳа йўқ.*

*Қуйида “Туйғулар ранги”, “Сокин ҳайқириқ”, “Ой япроғи”, “Туллаётган юрак” каби қатор нафис шеърӣ тўпламлари билан хоҳ салафлари, хоҳ тенгдошлари ўртасида бўлсин ўзига хос инжа овоз ва услубга эга ижодкор сифатида эътироф этилган ва этилаётган шоир Турсун Али билан бўлган адабий суҳбатимизни ҳавола этмоқдамиз.*

— Турсун Али ака, гарчи анъанавий тарзда бўлса-да, суҳбатимизни ижодингиз ибтидосига оид савол билан бошласак. Шеърӣярга қизиқишингиз қачон ва қандай бошланган?

— Ҳар бир инсон ўз фитрати билан дунёга келади. Кимдир осмон илмига, кимдир тиббиётга ва яна менга ўхшаган кимлардир адабиётга муҳаббат боғлайди. Зеро, ҳар кўнгилнинг ихтисослашган бир “касби” бўлади. Биз буни кўпинча лаёқат деймиз. Ана шу нуқтаи назардан айтишим мумкинки, шеърӣярга қизиқиш асли менинг фитратимда бўлса керак. Чунки бошлангич синфда ўқиб юрган кезларимдаёқ, ўнлаб шеърларни ёддан билардим ва айни пайтда ўзим ҳам нималарнидир ёзишга ҳаракат қилардим. Шундан буён шеърӣят мен кашф этолмаётган ва ўрганиб улгурмаётган сеҳрли бир дунёга айланган. Бу ҳолат “Янгилик” номли бир шеъримда шундай талқин этилган:

*“Шеърӣят...*

*мен сени севаман.*

*Сен энг гўзал,*

*энг ҳаёли қизсан гўё.*

*Сен менинг ишонган тоғим,*

*яшнаган боғим.*

*Сен менинг боримсан, йўғимсан...*

*йўғу боримсан”.*

— Машҳур италиялик рассом Леонардо да Винчи илм билан санъат ўртасидаги тафовутга

# ҲАЯЖОН СУВРАТИ

**аниқлик киритаркан, “Фаннинг асосий мақсади моддий дунёни миқдор жиҳатидан ўрганиш, санъат эса табиат гўзаллигини сифат жиҳатидан талқин қилишдир”, дейди. Шу маънода шеърӣятнинг бошқа санъат турларидан фарқи ҳақида нима дея оласиз?**

— Ҳақиқатан ҳам, фан билан санъат икки хил олам. Менинг наздимда эса, барча санъат турларининг ичида бетимсол ва бетакрори бу — шеърӣят! Буюк адиб Достоевскийнинг ўлмас гапи бор: “Дунёни гўзаллик қутқаради”. Шеърӣят инсон руҳини юксалтириб, гўзаллик билан таништиради. Ҳақиқий шеър ўз даврининг овозига айланади. Ҳақиқий шеърӣят инсонни бедорликка, уйғоқликка даъват этади.

Шеър бўлмаса кўшиқ қандай яралар эди?! Матнсиз куй қандай қилиб дунёга келарди?! Шеърнинг бошқа санъат турларидан

яна бир фарқи шундаки, унда тасвир, оҳанг ва сўз мужассам. Шунинг учун ҳам шеърӣятнинг қадри юксакдир.

— Умуман, адабий жамоатчилик ўртасида “Шоирлик касб эмас, қисмат” деган нақл бор. Айтинг-чи, шеърӣят ҳаётингизда қандай ўрин тутади?

— Эҳтимол нокамтарликдир, аммо бори шу: мен дунёни адабиётсиз-шеърӣятсиз тасаввур қилолмайман. Назаримда, адабиёт тириклик мазмуни, яшаш манбаидир. Шунинг учун ҳам ҳаётим адабиёт билан чамбарчас боғлиқ.

Умр йўлдошим иқтисодчи. У киши кўпинча: “Сиз билан гаплашдим тамом, шеър, китоб, адабиёт... шундан бошқа мавзунингиз, ташвишингиз йўқ” — дея ёниб қолади.

— Шеърӣятни дардсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Шеърларингизда ўзига хос мунг,

**ҳазин кайфият устунлик қилади. Бунинг боиси нима?**

— Шубҳасиз, шеър дард билан яралади. У хоҳ қувноқ бўлсин, хоҳ маънос ёки тушкун бўлсин, юракка инган дард қоғозга тўкилади. Она фарзанди дунёга келаётганда тўлғоқ тутганидек, ҳақиқий шеър ҳам вақти-соати етгач “оламга келади”. Дардсиз, изтиробсиз ёзилган шеърнинг умри қисқадир. Аччиқ бўлса-да айтиш керак, шундай ижодкорлар пайдо бўлмоқдаки, шеърнинг савиясини, мезонини кўшиқ билан ўлчади. Гўё фақат яхши шеърлар кўшиқ бўладигандек. Бу тарзда шеър тўқувчиларнинг кўпайиши адабиётнинг ривожига тўсқинлик қилади, холос. Бир пайтлар Пушкин ҳам “Шеър тўқувчи дўстимга” шеърида бундай “ижодкорлар” дастидан койинган эди.

Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи қарийб қирқ йил ижод билан шуғулланди. Аммо шоирнинг бисоти жамланса, бир жилд шеърий ва яна бир жилд таржима китобга айланади. Бу шеърларни шунчаки ўқиб бўлмайди. Рауф Парфи шеърларини дардсиз, айримларга ўхшаб санаб ёзганда эди, эҳтимол унинг ҳам бисотида ўнлаб китоблар пайдо бўларди. Япон адабиётига назар ташласак, учтўртта “учлик”лари билан ҳам адабиёт тарихида ёрқин из қолдирган шоирлар бор.

Дарҳақиқат, бугун шеърятимиз мавзуси янгилангандек. Яъни бошқача айтганда, бугун кўнгил шеърятини яратилаётир. Кўнгил шеърятини — жўшқин туйғулар ва қалб сувратларини акс эттирувчи шеърят. Бу йўлда баҳоли қудрат шеър машқ қилаётганлардан бириман. Мен шеърни юракдан туйиб, қалб призмасидан

ўтказиб ёзаман. Балки шеърларимда мунг, ҳазинлик кайфиятининг устуворлиги шундандир.

**— Ижодингизнинг маълум бир қиррасини Узоқ Шарқ шеърятидан қилган таржималар ташкил этади. Буни, айниқса, кейинги йилларда нафис япон шеърятидан қилган ўғирмаларингиз ҳам тасдиқлайди. Сизнингча, япон шеърятининг жозиба сири нимада?**

— Япон шеърятининг нафосати шундаки, ундаги қисқалик ва ранглар қоришиги, туйғуларнинг бойлиги кишини сеҳрлаб қўяди. Бундай шеърлар кишини теранликка, чуқур мушоҳада қилишга, ҳаётни англашга ундайди. Бугунги тезкор замонда шундай қисқа манзаралардан яралган, руҳият сувратларини, табиат сувратларини “чизиб” берган шеърят зарур деб ўйлайман. Ҳозирги кашфиётлар асрида, вақт зиқ пайтда узундан-узоқ, қуруқ мадҳ этиладиган сатрлардан кўра, ҳаяжон суврати акс этган шеърлар афзал.

**— Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи сифатида шеърятдаги ўзгаришлар, эврилишлар жараёнини кузатиб борасиз. Сўнгги йилларда адабиёт майдонига кириб келаётган ёш ижодкорларнинг ижоди ҳақида нималар дейиш мумкин?**

— Давр янгилангани сари кишилар онги, тафаккурида ҳам янгиланишлар юз бермоқда. Зеро, бу ҳол ҳар бир инсон шурида ўзига хос из қолдиради. Шундай экан, ижодкорларимиз ижодида янгича руҳий ўзгаришлар акс этиши табиий.

Адабиётимизнинг яқин тарихига назар ташласак, шеърят у ёки бу даражада янгиланиб келганини кўрамиз. Албатта, адабиётни истеъдодли шахслар янгилай-


ди. Шу маънода сўнгги йилларда ўзига хос услубга эга бир қатор шоирлар пайдо бўлди. Бунга Фаҳриёр, Баҳром Рўзимухаммад, Барнобек Эшпўлатов сингари шоирларимиз ижодини мисол қилсак бўлади. Улар ижоди янгиланиш мактабидир. Уларда аввалом бор, шеърнинг туси, шакли янгича. Фикрлаш, оҳанг ва туйғулар ранги бўлақча. Ҳар бир мисрада ички теранлик бор. Шеърят деб аталмиш юртга бирин-кетин кириб келаётган Иқром Искандар, Даврон Ражаб, Беҳзод Фазлидин, Гулжамол Асқарова, Гўзал Бегим, Ойдиннисо каби шоиру шоиралар ижодида янгича қарашлар мавжуд. Демак, келажаги буюк шеърятимизнинг умидбахш еллари эсиб турибди.

**— Назаримда, бугунги ёшлар шеърятинида мантиқдан кўра кўпроқ шуурости туйғулар етакчилик қилмоқда. Бу ҳолат инсон омилига турлича аспектлардан ёндашувнинг кучайганлиги билан изоҳланса керак?**

Ёшлар шеърятинида мантиқдан кўра кўпроқ шуурости туйғулар етакчилик қилиши бу шеърятимизнинг янгиланаётганидан далолат. Таниқли адабиётшунос, улкан таржимон Иброҳим Фафуров кейинги суҳбатларида, маърузаларида шеърятда мавзу йўқ деб, койинади. Балки, олим ҳақдир. Бироқ юқорида айтганимдек, ёшлар шеърятини кўнгил шеърятидир. Янги замон шеърятинида табиат ва руҳият уйғунлиги орқали гўзал шеърини санъатлар яралмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта.

*Сизга ижодий ютуқлар тилаган ҳолда, келажакда янги ва гўзал шеърлар кутиб қоламиз.*

**Шермурод СУБҲОН**  
гурунглашди.



**"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" АЙЛАНМА КРОССВОРДИ**

Жавобларни шаклда белгиланган хонандан соат миля йўналишида рақам атрофига ёзинг. 1. "Шарқ тароналари" фестивали ўтказилаётган Самарқанддаги тарихий майдон. 2. Қадимий ўн икки мақомнинг саккизинчиси. 3. Тошкент ва Фарғона водийсида кенг тарқалган рақс куйи. 4. Байрам, тантанали маросимларда чалинадиган, мисдан ясалган ўзбек пуфлама мусиқа асбоби. 5. Бухоролик ўрта аср форс тилидаги "Рисолаи музикий" асарини ёзиб қолдирган мусиқашунос, шоир ва бастакор. 6. Мўғул миллий чолғу асбоби. 7. Фузулий газали билан айтиладиган кенг оммалашган мумтоз ашула.

8. Торли созларни чалишда ишлатиладиган мослама. 9. Кўнғироқлар билан доира ва қайроқлар жўрлигида ижро этиладиган бухороча рақс. 10. Ижрочининг маҳорати билан юзага келтириладиган куйнинг оҳангдорлигини сайқаллаб, асосий товушларни безатувчи қисқа товушлар мажмуи. 11. Олти мақомдан таркиб топган ўзбек ва тожик халқларига хос мусиқа меросига хос етук мукаммал асар. 12. Торли тирнама ўзбек халқ чолғу асбоби. 13. Мусиқа маданиятимиз намояндаси "Шашмақом" тўплами муаллифи, академик. 14. Ўрта Осиё халқлари ўртасида тарқалган, силқиланган тўртта тошдан таркиб топган урма мусиқа асбоби. 15. Ўзбек халқ рақс куйи. 16. Мақомларга тақдидан ёзилган куйлар туркуми.

17. Мусиқа асари ижодкори. 18. Хоразм мақомларига хос ашула номи. 19. Алишер Навоий газали билан ижро этиладиган мумтоз ашула. 20. Созанда, "Муножот", "Чўли Ироқ", "Ажам" чолғу куйларининг ашула йўллари муаллифи, бастакор. Ўзбекистон Халқ артисти.

**МУАММОНОМА** Калит сўзлар: 1. Фарғоналик устоз хонанда, Ўзбекистон Халқ ҳофиси - 10, 3,18,10,1, 11, 24, 8, 9, 1,14,8,19,8,16.

- 2. Қисқа дастали, пардасиз, торли мусиқа асбоби - 19,15, 5,2,14.
  - 3. Ўзбек халқ лирик кўшиги - 22,1, 7,1,14, 8,11,2,10.
  - 4. Торли чолғу асбоби - 4,17,12, 8,11.
  - 5. Чолғу асбоби торини юқорида кўтариб турувчи мослама - 21,3,11,3,23.
  - 6. Хоразм воҳасида кўшиқ ижрочисига берилган ном - 10,1,20,3, 9,9,2,13.
  - 7. Ўзбек, уйғур ва тожик халқларига хос урма чолғу асбоби - 6, 8, 2,11,3.
- Энди шакл атрофи ва ўрта қисмидаги рақамларни калит сўзлари жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммонотани ҳал этинг. Бунда улардан мусиқа санъатига берилган уч ҳикматни, айланалардан "Шарқ тароналари" фестивалининг мадҳияси куйи муаллифи бўлган бастакорни билиб оласиз.


**Фозилжон ОРИПОВ**

**ЎТГАН СОНДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

Ёйлар буйича: 1. Дастурхон. 2. Руставели. 3. Бриллиант. 4. Целлюлоза. 5. Мавлонова. 6. Абулқосим. 7. Котангенс. 8. Шожалилов. 9. Мажнунгол. 10. Карнайгул. И. Миллиметр. 12. Шотландия. 13. Парламент. 14. Рефлектор. 15. Велосипед. 16. Локомотив. 17. Галстук. 18. Крейсер. 19. Сардоба. 20. Қоснмов. 21. Банорас. 22. Қоқирим. 23. Пешовар. 24. Лотерея. 25. Ел. 26. Оз. 27. Ни. 28. Во. 29. Ун. 30. Ио. 31. От. 32. Ин.

**МУАММОНОМА**

Калит сўзлар: 1. Демагил. 2. Яхши. 3. Кулиб. 4. Олтин. 5. Сўз. 6. Йўлдош. 7. Хулқ. 8. Хақ... 9. Юз. 10. Чумак. Ҳикмат: Ҳар на яхшилик қилсанг қилки юрт учун, Ўзингдан орттиру ўзгага бермоқ учун. Хайдар Хоразмий



**"МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ" КРОССВОРДИ**

Куйида таърифлари баён этилган саналар жавобларни шаклга ҳарфли хонадан ёйлар бўйича рақамларда ёзинг.

Ёйлар бўйича ўнга: О. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган йил. З. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган йил. В. Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилинган сана. Е. "Ватан ҳимоячилари куни" байрами илк мартаба нишонланган йил. К. Тошкентда дастлабки автобус қатнови йўлга қўйилган йил. I. Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича XXVII ёзги Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлган сана. S. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланган йил. Т. Ватанимизда "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинган

**«ОНА ТАБИАТ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

Энига: 3. Сув. 6. Күёш. 7. Ари. 8. Тун. 10. Кўй. 11. Кўл. 15. Бўз. 18. Кўк. 20. Гул. 21. Уруғ. 23. Нор. Бўйига!.. Лаққа. 2. Мушук. 3. Сўқоқ. 4. Водий. 9. Унғур. 12. Ўрмон. 15. Бўрон. 16. Араби. 17. Оқшом. 22. Фор. Ўнга: 5. Айғир. 13. Какку. 14. Тилла. Чапга: 5. Анбар. 13. Курка. 14. Тайга. 19. Кутб.

**МУАММОНА**

Калит сўзлар: 1. Шудринг. 2. Сахро. 3. Денгиз. 4. Ёй. 5. Бурж. 6. Чиганок, 7. Момақалдирак, 8. Кўмир. 9. Эман. 10. Тоғ.

Қайирма: Эй дўст!

*Табиатда тартиб изчил, мукамал,  
Бир гул ўсмоғининг ҳикмати азал.  
Дарё тошиб оқсин лойқа бўлса ҳам,  
Муродинга етгил келмасдан ажал.*

сана. О. Ўзбекистон Республикаси давлат санъат музейи ташкил этилган йил. Н. "Баркамол авлод йили" ўтказилган йил.

Ёйлар бўйича чапга: О. Шарафига исьтедол соҳибаларига тақдим этиладиган Давлат мукофоти таъсис этилган Ўзбекистон Халқ шоираси таваллуд топган сана. З. Улуғ шайх, тасавуфнинг таниқли вакилларидан бири Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги нишонланган сана. В. "Камолол" жамғармаси таъсис этилган йил. Е. Мамлакатимизда "Инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинган йил. К. Ўзбек альпинистларидан биринчи бўлиб Рустам Ражабов Жомолунгма (Эверест) чўққисини забт этиб, Ўзбекистон байроғини ўрнатган йил. I. Мустақиллик майдоидаги Эзгулик аркаси бунёд этилган сана. S. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги байрами тантаналари ўтказилган сана. Т. Мамлакатимизда "Ёшлар йили" деб эълон қилинган йил. О. Пойтахтимизда дастлабки автобус қатнови йўлга қўйилган сана. Н. Футболчиларимиз илк мартаба ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионатида иштирок этган йил.

**МУАММОНА**

Шакл атрофидаги рақамларда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида она ватанимизга берилган таъриф яширинган. Уни қуйидаги калит сўзлар жавоблари асосида билиб олинг.

1. Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиги лавозими -17, 5,1,13,3,15,1,9, 7.
2. Ўзбекистон Республикаси олий нишонларидан бири - 15,12, 4, 7, 8,3, 2.
3. Истиқюл йилларида қарор топган умумхалқ байрами — 9,11,14, 5,12,13.
4. Асакада ишлаб чиқарилган автомобиль маркаси - 18,11, 4,1, 7, 7,3.
5. Ватанимиз жанубидаги ёқилги кони - 16,10,6, 8,5,11,2.

**Фозилжон ОРИПОВ**

Гўзаллик ҳамма замонларда ҳам қадрланган. Аммо гўзалларчи? Уларнинг қисмати доимо турли можаролар билан тўла. Бири кўролмасликдан содир бўлса, бири...

Гўзаллик нима? Унинг маълум қолиплари ёки ўлчамлари

**Гўзал, келишган қад-қомат, кўркам қиёфа, хушбоз кишининг ошиғи олчи бўлиши мумкин. Лекин гўзалликка ортиқча баҳо бериб юбориш ярамайди: бошқа фазилатлар билан уйғунлашмаган гўзаллик зарар келтириши ҳам мумкин.**

**Я. КОРЧАК**

## Гўзаллар, гўзаллар...

борми? Нима бўлгандаям гўзал чехра ёки гўзал қоматни кўрганнимизда табиатнинг бебаҳо инъомига тасанно деймиз. Улар ҳам орамиздаги одамлар. Уларнинг ҳаёти бизникидан фарқли равишда шов-шувлар ва қурбонликлардан иборат.

### Фош қилинган ёлғон

Тбилиси телекомпанияси - "Рустави-2" тақдим этган маълумотларга биноан, 2007 йилдаги Грузия гўзали Нино Ликучева ўзининг турмушга чиққанлиги ҳақидаги фактни яширишга уринган.

Турмуши бор-йўғи 4 кун давом этгани боис, бу ҳақда айтишга ҳожат йўқ, деб ўйлаган бўлса керак-да. Аммо сири фош бўлгач, "Турмуш ўртоғим билан ажрашганман, чунки у мени ўғирлаб кетиб, уйланган эди" дея баҳона қилишга ўтган. Гўзаллик маликасининг бу гаплари ҳеч кимни, айниқса, судьяни ишонтира олмади: Нино икки йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

### Ҳақиқат — Достоевскийдан ҳам устун!

Россиялик Коинот гўзали Оксана Фёдорова эса ўзига берилиши керак бўлган унвондан гўзаллик қироличасининг анъанавий вазифаларини бажара олмагани туфайли маҳрум бўлган. Мавқеига мувофиқ Коинот гўзали йил давомида дунё бўйлаб саёҳат қилиши ва турли тадбирларда иштирок этиши лозим. Фё-

дорова эса Санкт-Петербургда диссертация ёқлаши кераклиги туфайли дунё бўйлаб саёҳатдан бош тортган экан.

Дарвоқе, "Дунё гўзали" ва "Коинот гўзали" танлови маъмуриятидагиларнинг таъкидлашларича: танлов голибасининг юриш-туриши қатъий назоратга олинмайди, аммо шартномага мувофиқ оғзаки келишувларга йўл қўйилади. Бу борада танлов хўжайини миллиардер Дональд Трамп шундай дейди: "Ҳар йили юз минглаб ёш аёллар бизнинг танловларимизда қатнашишга ҳаракат қиладилар, шундай экан, танлов голибалари ҳар томонлама ўрнатилган бўла олишга мувофиқ бўлишлари шарт".

Танлов тарихида тождан маҳрум этилган "гўзаллик қироличаси" фақат Оксана Фёдорова эмас. Мисол учун: 1973 йил "Дунё гўзали" танловида голиб бўлган биринчи америкалик Маржори Уоллес ўз тождан "ҳаддан зиёд кўп эркакларга учрашув белгилаганлиги туфайли" маҳрум этилган.

1984 йил "Америка гўзали" унвони билан тақдирланган илк лотин америкалик Ванесса Уильямс эса кийимсиз суратга тушишга рози бўлгани учун тожсиз қолган.

2006 йил "Буюк Британия гўзали" Даниэль Ллойд эса танлов ҳайъати аъзоларидан бири "Вест Хем" футбол жамоаси юлдузи Тэд-





ди Шэрингем билан ошиқ-маъшук бўлганини тан олганидан кейин унвондан махрум бўлган.

#### **Шунчаки**

##### **ҳазиллашмоқчи эди**

"Якутия виртуал гўзали" танлови ташкилотчилари тадбир қатнашчиларидан бири Анжела Адамованинг аслида кимлигини билиб қолишгач, шок ҳолатига тушдилар. Интернет-овоз бериш натижаларига кўра, Анжела голибликка даъвогар гўзаллар ўнталигидан ўрин эгаллади. Аммо тез орада унинг ҳеч қандай Анжела эмаслиги, гўзал ниқоби остида 25 яшар Олег Гончаров исмли йигит танловда қатнашганлиги маълум бўлди. Танловда иштирок этиш учун Олег стилистга мурожаат этиб, ҳатто профессионал сураткашдан унга чиройли фотожамланма тайёрлаб беришини илтимос қилган экан. Олегнинг суратларини синчиклаб томоша қилган ҳайъат аъзоларининг ҳеч бири суратдаги қиз йигит бўлиб

чиқишини хаёлига ҳам келтирмагани аниқ.

#### **Тожни ечиб қўйинг, хоним**

Санкт-Петербургда ўтказилган "2006 йилнинг энг гўзал аёли" танловида голиблик тожи Коста-Рика вакиласи Андреа Бермудес-Ромерога топширилди. Аммо шу пайтнинг ўзида саҳнага югуриб чиққан танлов продюсери америкалик Дэвид Мармель бу ерда кичик англашилмовчилик рўй берганини эълон қилади. Қисқа узрдан сўнг эса голиблик рамзи саналмиш тожни бор овозда йиглай бошлаган Коста-Рика гўзалининг бошидан ечиб олиб, россиялик Софья Аржаковскаяга топширади. (ОАВда тарқатилган маълумотларга кўра, асли касби раққоса бўлган 18 яшар Софья Россиянинг энг бой юз кишиси рўйхатига киритилган банкир Сергей Веремёнковнинг рафиқаси экан). Бу ҳолатдан газаб отига минган танловнинг қолган иштирокчилари, либослари устидан боғланган иштирокчилик белгиси - ленталарни юлиб отиб, ёппасига саҳнани тарк этадилар. Танлов ташкилотчилари эса бу ерда ҳеч қандай гирромликка йўл қўйилмаганини таъкидлашган. "Голиблик лентасини олиб чиқадиган хоним, адашиб уни бошқа иштирокчига тақиб қўйди. Хато шу ернинг ўзида тузатилди", - дея тушунтириш берган шоу ташкилотчиларидан бири «Таймс» мухбирига.

#### **Кечирасиз, сохта экан**

Мариэлла Молинедо ўрилган сочлари сохта эканлиги аниқлангач, Боливиянинг энг гўзал аёли унвонидан махрум бўлган. Сочларнинг сохталиги танлов якунига етгач, яъни Мариэллага "Чолита Пасена гўзали" тожи кийдирилганидан сўнг аниқланган. (Унвон либос ва соч турмаклариде миллий анъаналарга содиқ қолган Ла-Пас гўзалларига берилади. Танлов шартига кўра эса - гўзал, албатта, табиий узун сочларга эга бўлиши керак). Мариэлланинг сохта сочлари табиий сочлардан фарқ қилмаган бўлса-да, танлов якунига етгач, қизнинг рақибалари ҳақиқатни қарор топдиришди. Танлов бошқатдан ўтказилди.

#### **Даҳшатли рўйхат**

Гўзаллик танлови қатнашчиларининг исми-шарифидан бутун бошли мартиролог - "ўлимлик рўйхати"ни тузиш мумкин. 1997 йил Грецияда "Россия гўзали-96" голибаси Светлана Котова ҳалокатга учради. Соҳибжамолни машҳур ёлланма қотил Александр Солоник билан бирга ўлдириб юборишган. 1999 йил сочилик 18 яшар "Мафтункорлик тимсоли-98" Элеонора Кондратюкнинг юзига кислота сепилган. Элеонора шу пайтнинг ўзидаёқ кўр бўлиб қолган, юзи эса қараб бўлмас даражада даҳшатли тус олган. Худди шу йилнинг ўзида номаълум шахслар "Кубань гўзали" 19 яшар Анастасия Барбаннинг юзини пичоқ билан тилиб кетишган. 2000 йил "Модел Интернешнл-97" гўзали Александра Петрова Чебоксар авторитети қаллиғига айлангач, киллерларнинг ўқиға нишон бўлиб, ҳаётдан кўз юмган. 2006 йилда Темникова (Мордова) шаҳрида кундузи шаҳар гўзаллик танлови голибасига айланган 15 яшар Аня Мезина ваҳшийларча ўлдириб кетилган. Терговчилар Анянинг ўлими кўролмаслик оқибатида содир этилганини бош асос қилиб олиб, жиноий иш қўзгатганлар.

**Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади**

## САҲРО

Бир киши саҳрода кетаётган экан. Суви йолмасдан, тинкаси йуриб, глар ролатга келганида узоқдан "300 метрдан кейин СУВ!" деган ёзувли белгини кўрибди. Бир амаллаб гша тарафга йгл олибди. Кейинроқ "200 метрдан кейин СУВ!!!" деган белгини кўрибди. Охириг кучини тгглаб кейинги белгигача етиб олибди. Охириг белгига "100 метрдан кейин сув" деган ёзув бглиб, белги ерга тамон (пастга) йаратиб йгилган экан.

## ДАСТУРЧИ

Дастурчи пианинонинг олдига келиб, уни узоқ кўздан кечириб чиқди. Кейин:

- Клавиатура ноқулай: бор-йгҗи 84 та клавиш бор, уларниям ярмидан кгпи функционал клавишлар, меча йайсида ёзуви йгг. Лекин "Шифт"нинг оёи билан босилиши згр экан.

## ХОНАДА НЕЧТА ЁРИТҶИЧ БОР?

Иштиронда мамла иштиронни топшириб бглаг, энг охириг йаторда бир содда бола гйланиб гтирибди, шунда домла уни олдига чаириб: Мен сенга франдан савол берсам барибди билмайсан, кел, сенга осонроқ савол бераман. Хонада нечта ёритҗич бор? Бола гйланиб гтирганда тепага йараб ёритҗичларни санаб йгган экан, дарром йта, домла, деб жавоб берибди. йта, домла. Домла шунда, э содда бола, йта эмас, йта мана йтаси менинг чгнтагимда, деб болани иштирондан ййитиб юборибди. Кейинги иштиронда мам гша арвол: домла болани олдига чаириб, э, сени танидим, яна сенга гша савол, хонада нечта лампочка бор? Бола дарром йта, домла, деб жавоб берибди. Шунда домла, э, содда бола, бугал чгнтагимда ёритҗич йгг эди, деганда бола: бирроқ меникида бор, домла деб, жавоб берган экан.



Акбар ЙҰЛДОШЕВ гайёрлади.